

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси

УМИРОВА СЕВАРАНИНГ

5220100 – ўзбек филологияси таълим йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун

“АЗИМ СУЮН ШЕЪРИЯТИДА ОБРАЗЛИЛИК”

мавзусидаги

БИТИРУВМАЛАКАВИЙИШИ

***Илмий раҳбар:
фил. фан. номз. О.Файзуллаева***

Гулистон-2016

РЕЖА:

Кириш.

I боб. Азим Суюн шеърлятида шоир бадий маҳорати ва лирик қаҳрамон масаласи

- а) Шоир шеърлятида Ватан мавзуси талқини ва ундаги лирик қаҳрамон
- б) Муҳаббат мавзусидаги шеърларда лирик қаҳрамон кечинмаситавсифи

II боб. Шоир шеърлятида поэтик образларнинг қўлланилиши

- а) Ижтимоий лирика намуналарида кечинма ифодаси
- б) Поэтик образлар ва шоирнинг ўзига хос услуби масаласи

Хулоса

КИРИШ

Мавзунингдолзарблиги.

Сўнггидавршеъриятидақаторўзгаришларкўзгаташланади. Айниқса, инсонийҳис-туйғулар, руҳийэврилишларифодаси, уларнингшеъриятдатутганўрнибиланбоғлиқбўлганянгиладанишларалоҳидаэътиборгасазовор. ПрезидентимизИ.А.Каримовбухусусидашундайтаъкидлайди: “Мамлакатимизмустақиллигинимустаҳкамлаш, миллийдавлатчиликнишакллантириш, ҳукуқийдемократикдавлатнибарпоэтишвафуқароликжамиятиниқарортоптиришдекулуғорзу-умидларбиланяшарэканмиз, ижтимоийфанларсоҳасидагиилмийизланишларвауларнингнатижаларигаалоҳидаэътиборбермасликмумкинэмас”¹. Дарҳақиқат, буфикрларзамонавийшеъриятнингмуҳиммасалаларинингўрганилишидолзарбэканлигиниифодалайди.

Маълумки, шеъриятянгичамазмунвашаклкасбэтарэкан, унингтадқиқиюзасиданназарийқарашларҳамбойибборади. Буборадатурлитадқиқотишлариюзагакелган. Шеърга, унингасосибўлган, моҳиятини, ҳиссийтаъсиринибелгилайдиганҳодисаларгаэътиборшусабаблиянадакучайиб боарди. Ижодкорларнинг шеърий намуналарига ҳам муносабатлар ўзгариб боради. Ижодиёти адабиётшуносликда турли жиҳатларига кўра ўрганилган бўлса-да, ундаги образлилик жиҳати алоҳида тадқиқот объекти бўлмаган шоирлардан бири Азим Суюн бўлиб, унинг шеърияти XX аср ўзбек лирикасида ўзига хос аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради. Шоир шеъриятида образлилик назарийжиҳатларига кўра тўлиқтадқиқэтилмаганлиги,

¹Каримов И.А.Илм-фанмамлакаттараққиётигаҳизматқилсин.И.Каримов. Бизданозодваободватанқолсин. – Т.,Ўзбекистон. 1996 – Б.260.

унинг бугунги кундаги кўринишини сбатанкам ўрганилганлигига тадқиқотимизма взу сининг долзарблигини белгилловчи муҳимомиллардандир.

БМИнинг ўрганилганлик даражаси. Мавзуни ўрганишда методологик асос сифатида қадимги давр файласуфларидан Аристотел, Абу Наср Форобийларнинг, немис файласуфи Гегелнинг, улуғ рус адабиётшунослари В.Г.Белинский, Л.И.Тимофеев ¹ кабиларнинг илмий асарларидан кенг фойдаланилган. Шунингдек, ўзбек адабиётшуносларидан И.Султон, О.Шарафиддинов, Ҳ.Каримовларнинг назарий фикрларига таяниб иш кўрилди². У.Норматов³ ларнинг лирика тўғрисидаги фикрларига мурожаат қилинди.

Шунингдек, адабиётшунос олим, профессор Қ.Йўлдошевнинг «Йўл одами»⁴ номли монографиясидан ҳамда интернет маълумотларидан ҳам фойдаланилди.

Ушбу иш филологлар, олий ўқув юрти талабаларига шеърни тушунишлари ва таҳлил қилишларига ёрдам беради.

БМИнинг мақсад ва вазифалари. XX асрнинг 80-йилларида ўзбек адабиётида ўз ўрнига эга бўлган, талантли шоирлардан бири Азим Суюн шеърятини, ундаги образлилик хусусиятини лирик қаҳрамон ва поэтик образлар орқали ўрганиш ушбу битирув малакавий ишнинг асосий мақсади ҳисобланади. Бу мақсаддан келиб чиққан ҳолда тадқиқотимиз ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

- Азим Суюн шеърятининг мавзулар кўламини ўрганиш;
- шоир шеърларида лирик қаҳрамоннинг ўрни ва қўлланилган муҳим бадиий тасвир воситаларини аниқлаш;

¹ Аристотел. Поэтика. – Т., 1980. – Б.151; Форобий Абу Наср. Шеър санъатлари. – Т., 1977. – Б.07; Гегел В.Ф. Эстетика. – М., 1971. – С.621; Белинский В.Г. Адабий орзулар. – Т., 1979. – Б.262.; Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – М., 1966. – С.478;

² Султон И.О. Адабиёт назарияси. 2-нашри. – Т., Ўқитувчи, 1986. – Б.408; Ойбек. Асарлар. Тадқиқот ва мақолалар. – Т., Ғ.Ғулом, 1974. – Б.349; Шарафиддинов О. Ҳаёт билан ҳамнафас. – Т., Ёш гвардия, 1983. – Б.216; Каримов Н. Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати. – Т., Фан, 1964. – Б.158.

³ Норматов У. Ижод сеҳри. – Т., Шарқ, 2007. – Б.255.

⁴ Қозокбой Йўлдош. Йўл одами. – Т., “Muharrir” nashriyoti, 2011. Б.144.

- поэтик образларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;
- бадиият унсурлари ифодасида ижодкор маҳорати масаласини аниқлаш;

БМИнинг илмий янгилиги. Ҳозирги кунда лирика муаммолари тадқиқотчилар томонидан мунтазам ва атрофлича ўрганилиб келинмоқда. Азим Суюн шеъриятида образлилик ва шоирнинг бадиий маҳорати масаласи ҳалитўла ҳал қилинган эмас. Шу нуқтаи назардан тадқиқотимизнинг **илмий янгилиги** қуйидагиларда яққол кўзга ташланади:

- Азим Суюн шеъриятининг етакчи образлари аниқланади;
- Кечинманинг қандай восита ва усулларда акс этиши тадқиқ этилади;
- лирикқахрамон кечинмалари ифодасида поэтик образларнинг тутган ўрни ўрганилади;
- лирик кечинма ва поетик образ муносабатларига алоҳида эътибор берилади;
- поэтик образларнинг турли кўринишларига дарахт, майса, қуш, шамол, дарё кабиларнинг лирик кечинма ифодалашидаги ўзига хосликлари кузатилади;

БМИнинг ўрганилиш объекти. Тадқиқотнинг асосий объекти вазифасини Азим Суюннинг шеърий тўпламлари ва сайланмалари бажаради. Азим Суюн ижодига хос образлилик жиҳатининг умумий ва хусусий томонлари ўрганилди. Шоирнинг маҳорат қирралари очиб беришга ҳаракат қилинди.

БМИнинг тузилиши. Мазкур битирув малакавий иши кириш, иккита асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. АЗИМ СУЮН ШЕЪРИЯТИДА ШОИР БАДИИЙ МАҲОРАТИ ВА ЛИРИК ҚАҲРАМОН МАСАЛАСИ

Азим Суюн Жаҳон Маданият ва санъат академияси аъзоси, Туркия Ёзувчилар бирлигининг дипломи билан ҳам тақдирланган шоирдир. Сўнгги йилларда чоп этилган «Сайланма» китобига турли даврда яратилган энг яхши шеърлари ва «Сарбадорлар» достони киритилган. Унда замон ва замондошлар, тенгдошлар, нуроний отахон ва онахонлар тақдири, орзу-интилишлари ҳаёт ҳақиқати даражасида ифодаланган.

Шеърият – бир дунё. Унинг марказида инсон туради. Сўнгги давр ўзбек шеъриятида ифода ва услуб кун сайин ўзгармоқда. Янгича шакл орқали инсоний кечинмалар, ҳис-туйғулар, руҳият ранг-баранглигини ифодалаш кенг тус олмоқда. Ихчамликка интилиш ва қисқа сатрларда инсон кайфияти, руҳиятини ифода этиш ҳозирги замон шеъриятининг ўзгача кўриниш олганлигидан далолат беради. Бу ҳолат ўзбек шеъриятида ҳам кузатилмоқда. Айниқса, инсон деб аталган олам тадқиқи, унинг сирли, синоатли қалби, фикри, ўй-ҳаёллари, ўзини англашга хизмат қилувчи бадиий ижод маҳсуллари кўплаб яратилмоқда. Бу ўзгаришлар Умарали Норматов таъкидлаганидек, “заминдаги улкан силжишлар билан дунё юзини кўрди”¹. Хусусан, лирик қаҳрамон кечинмаси, инсон қалбининг нозик нуқталари тасвирида ўзгача кайфият билан ифодаланмоқда.

Поэтик асар асосини лирик кечинма ташкил этади. Чунки кузатишларда ҳам шеър яратилишида туйғу ва кечинма асосий ўринни тутиши аниқланган. Лирик кечинма ўз табиатидан келиб чиқиб, кўпроқ шеърнинг мазмуни, ҳиссий бўёғига таъсир қилади. Лирик кечинма образ,

¹НорматовУ. Ижодсехри. – Т.,Шарқ,2007. – Б.254.

туйғу, ўй-хаёл орқали гавдаланади. “Поэтик асардаги образларни кашф қилиш эса шу матннинг маъно мағзини чақиш демакдир”¹. Айнан мана шу жиҳатига кўра Азим Суюн шеъриятининг образлилик хусусиятни ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлигига ишонамиз.

Бадий асарларда шакл ва мазмун тушунчалари мавжуд бўлиб, уларнинг алоқасида мазмун етакчилик қилади – ўзи ўзгариши билан шакл ўзгаришига сабабчи бўлади. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ҳам шакл ва мазмунни диалектик бирликда кўради ва шеър мазмуни билан ҳам, шакли билан ҳам гўзал бўлиши керак, дея таъкидлайди. Ҳақиқий санъат асарида шакл мазмунга, мазмун шаклга тўла монанд бўлади. “Мазмун – ғоявийлик, шакл – бадийлик ҳодисаси”²дир. Назарий жиҳатдан ўрганилганда шаклга эътибор катта. Ваҳоланки, мазмун ҳам худди шакл каби “имтиёз”га эга. Мазмун асосини кечинма ташкил қилади.

Бадий адабиётнинг бошқа намуналари каби шеър ҳам ўз-ўзича туғилмайди. Кузатишлардан шу нарса маълумки, шеър яратилишида туйғу ва кечинма таъсири асосий ўринни тутди. „Чинакам лирика бошқа ҳар қандай ҳақиқий поэзия каби инсон юрагининг чинакам мазмунини ифода қилиб бериши керак”³. Поэтик асарларга асос бўлган лирик кечинма ўз табиатидан келиб чиқиб, кўпроқ шеър туғилиши ва унинг умумий мазмуни, ҳиссий бўёғига таъсир қилади. У бизга шоирнинг эстетик олами ҳақида маълумот беради.

Азим Суюн шеъриятида лирик кечинма лирик қаҳрамоннинг ҳис-туйғулари ифодаси сифатида намоён бўлади ва лирикқаҳрамон ким эканлигига кўра кечинма ўша қаҳрамоннинг номидан ифода этилади. У эса турфа хил мавзуларни юзага келтиради.

“Лирикадаги қаҳрамон масаласи адабиётшунослигимизда аниқ ечимга келинмаган, ҳали ҳам баҳс-мунозарага сабаб бўлаётган масала. Қадимда

¹Мирҳайдаров Х. , Мирҳайдарова Н. Бармоқ тизими таълими. – Т.,2010. - Б.14-15.

²БобоевТ. Адабиётшуносликкакириш. –Т.,Ўқитувчи. 1979. 96-бет.

³ГегелФ.В. Эстетика.Том-3 – М., 1971. – С.504.

Аристотель лирикада қаҳрамонни фақат “автор” бўлади, деса, Гегель “лирик субъект”, Г.Н.Поспелов ҳам Гегельга эргашиб, лирик медитация субъектини “лирик субъект”, Н.Г.Чернишевский “мен” атамаси орқали, Ю.Н.Тинянов “лирик қаҳрамон” дея аталишини таклиф қилишган. Шеърый асарда лирик қаҳрамон ёки “мен” ёхуд “биз”дан ташқари бошқа образлар ҳам мавжуд. Бироқ, лирик қаҳрамон поэзияда “марказий сиймо” вазифасини ўтайди. “Лирик қаҳрамон ҳам типик образдир, у субъектив ва объектив оламнинг бирлашган тимсоли, чунки объектив борлиқ ҳодисалари лирикада “мен”нинг дунёқараши орқали сараланади”¹. Лекин “мен” ҳамиша ҳам “ўз” руҳияти, “ўз” кечинмаларини тасвирламайди. У шеърдаги бошқа лирик персонажлар билан суҳбатлашиши, уларга мурожаат этиши ҳам мумкин. Бу юқорида таъкидлаганимиздек, шеърнинг фақат монолог эмаслигидан дарак беради”².

Демак, шеърнинг лирик қаҳрамони шеърда ўз кечинмаларини ифодаляётган шахс ёки умумлашма образ дейиш мумкин. аксар шеърларда лирик қаҳрамон шеърнинг мавзусига қараб белгиланади.

Азим Суюн шеърйати ўзига хос тарзда шаклланган бўлиб, унинг шеърларини турли мавзуларга бўлиб ўрганиш мумкин. Хусусан, шоирнинг Она-Ватан, анъанавий севги-муҳаббат, ўтмиш, ижтимоий ҳаёт муаммолари, табиат каби кўплаб мавзуларни қамраб олган хассос шеърйати мавжуд. Анъанавий муҳаббат мавзусидаги ғазал ёки шеърларнинг лирик қаҳрамони ошиқ эканлиги барчага маълум. Ота ёки онага бағишлаб ёзилган шеърлардаги лирик қаҳрамон эса ўз-ўзидан фарзанд бўлса, фарзандига бағишлаб ёзилган шеърларнинг лирик қаҳрамони ота ёки она бўлиши табиий ҳол. Ижтимоий лирика намуналари бўлган шеърларнинг аксариятида лирик қаҳрамон шоирнинг ўзи бўлиши кўп кузатиладиган ҳолат.

Шоирнинг Ватан мавзусидаги шеърларида ўз Ватани учун жонини тикишга тайёр бўлган ватанпарвар сиймоси гавдаланади. Бу мавзу Азим

¹Тимофеев Л.Н. Основы теории литературы. М.: Просвещение, 1966. – С.198.

²Файзуллаева О. Hozirgi o'zbek she'riyatida sonet. –Т., Turon zamin ziyo, 2014. 104-бет.

Суюн шеърятининг етакчи мавзуларидан саналади. Ватан ва ўзликни англаш мавзусидаги шеърлари сирасига ижодкорнинг “Қишлоқ”, “Ўзбекман”, “Бу Ватанда”, “Унутилган тиллар”, “Хилват гўша...”, “Накурт қишлоғи”, “Ватан гимни”, “Ўзбек, Ўзбекистон!” каби кўплаб шеърларини киритиш мумкин. Шоирнинг “Ўзбекман” шеъри шундай бошланади:

Эврилиб, айланиб гуллаган тупроқ,
Энчиўкиз, Ўкуз – ҳаётбахш булоқ,
Теграсин қур тутган муқаддас ўчоқ,
Ўчоқни ёндирган илоҳий чакмоқ –
Ўтда зуваласи пишган ўзбекман¹.

Бу шеърнинг лирик қаҳрамони ватанпарвар инсон бўлиб, у ўз ватанининг ҳар бир унсурини муқаддас деб билади. Хусусан, юқоридаги парчада “булоқ” ва “ўчоқ” қа алоҳида эътибор қаратилган. “Ўчоқ” бунда аجدодлар муқаддас деб билган оловнинг рамзи сифатида қўлланилган.

Шеър давомида шоир қадимги туркий уруғ ва қабилалардан бўлган хун, ўғуз, массагет, қанғли, тоҳар, арғин, қипчоқ, уйшун, яғмо, тотар, қорлуқ, чиғил, барлос қабиларнинг номларини келтириш орқали вимиллатимиздаги бирдамликка, тотувликка ишора қилади. Бу қабилаларни сочиқнинг парларига ёки шоикилдаларига ўхшатиши орқали уларнинг бир йўлдан кетаётганлигини яна бир бор таъкидлайди.

Шеърда “Алп Эр Тўнға” номи юртнинг ботир ўғлони ва талмеҳ санъати намунаси сифатида эсга олинади. унда қарама-қарши Ковус номи келтирилади ва унинг юрт баҳодири олдида зир титрагани эслатилади. Шунингдек, юртимизнинг экин-тикинга бой эканлиги, балиғу озуқага мўллиги ҳам эсланади.

Қуёшга сиғиндим – қуёшли ўлдим,
“Овасто”да мен ҳам йиғладим, кулдим,
Доролар ўрнига Искандар елди,

¹Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, – Тошкент, 1997, 74-бет.

Спитамен, - Широқ вориси бўлдим.

Антейдек ердан куч олган ўзбекман¹.

Бу парчада ҳам талмеҳ санъатидан фойдаланиб, ўтмиш аجدодларимиз номлари ва қадимий ёдгорликлар келтириб ўтилади. Хусусан, “Авесто”, Спитамен ва Широқ ёдгорликлари шулар жумласидан. Худди шундай ўзбек миллатининг ўтмиш ёдгорликлари, энг нодир адабий манбалари шеър давомида яна тилга олинади.

Лаҳжалар бирлашди – тил бўлди йирик,

Офтобдай бўйлади “Қутадғу билиг”,

Маҳмуд Қошғарийдан тўқ бўлди илик,

Аҳмад Яссавийим ҳикмати тирик,

Отини кенг йўлга солган ўзбекман.

Бунда Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг”асари, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девон” асари, Аҳмад Яссавийнинг “Девон” каби миллий дурдона ва ноёб бойликларимизнинг номини ҳам талмеҳ санъатига хос дейиш мумкин.

Шеърда кўп лаҳжалик ўзбек миллий тили ҳам бир неча бандда улуғланади. Яна бир бандда ўзбек миллатининг ўзига хос моддий ва маънавий бойликлари хусусида сўз боради:

Самарқанд қоғози, шишаси машҳур,

Кўзларни ўйнатди Бухорои сур,

Фарғонам тоғлари сочди олмос, дур,

Улуғ ипак йўли – ипагим эрур,

Жаҳон йўлларида кезган ўзбекман².

Бу парчада “Самарқанд қоғози”, Бухоронинг сур териси, Фарғона тоғларидаги олмосу, дурлар, пиллакорлар етиштирадиган ипаклар эсга олиниши орқали Ўзбекистон бой ўлка эканлигини, бировнинг қўлига қалам

¹Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, – Тошкент, 1997, 74-бет.

²Ўша китоб, 76-бет.

бўлмаслигини шоир уқтирмакчи бўлади. Шеърда “Шайбонийнома”, “Бобурнома”, “Шажараи турк” каби дурдона асарлар билан бир қаторда ажойиб санъат асарлари бўлган “Шашмақом”, “Ушшоқ”лар ҳам санаб ўтилади. Шунингдек, Амир Темур, Жалолiddин Мангуберди, Алимкул додхоҳ, Қодирий, Чўлпон, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов каби юртнинг фидойи ўғлонлари ҳам талмеҳ сифатида келтириб ўтилади.

Шеърнинг бир бандида ўзбекнинг мағрурлиги акс эттирилган.

“Дарсу иқтибосда кўрганинг: юмшоқ,
Мулойим феълимга ишонма бироқ”,
Ғурурим баланддир, ғурурим оппоқ...
Ерни осмон қилгум, осмонни тупроқ,
Ҳар не чегарасин билган ўзбекман¹.

Ушбу шеърий парчада ўзаро муомалада мулойим ва юмшоқ табиатли кўринган ўзбек халқини мана шу табиати учун хўрлаш мумкин эмаслигини, унинг ғурури осмонлардан ҳам баланд эканлигини таъкидлайди шоир.

Шеър ниҳоясида лирик қаҳрамоннинг Ўзбекистоннинг порлоқ келажагига умиди акс эттирилган.

Ҳайда! Келажакдан умид, муродим,
Чарчама, оқсама, ҳайда-ё, отим,
Ўзинг Бойчиборим, ўзинг Ғиротим,
Ўзинг нажоткорим, ўзинг қанотим,
Юлдузларни кўзлаб турган ўзбекман².

Бу шеърий парчадаги қўлланилган метафора тулпор бўлиб, у ўзбек миллатининг рамзи сифатида қўлланилган. Унинг буюк келажак сари дostonлардаги тулпорлар сингари парвоз қилиши, юлдузларни, яъни порлоқ келажакни мўлжаллаши таъкидланган.

¹Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, – Тошкент, 1997, 78-бет.

²Ўша китоб, 78-бет.

Шоирнинг “Истиклол ҳаққи” шеърида ҳам яна ўша “тулпор” метафорасидан фойдаланилган.

Бу гал бошим узра булутлар йитган,
Уларни ҳайдаган эрк шамоллари.
Булоқларим кўзи очилиб кетган,
Ҳилпираб ўйнайди отим ёллари¹.

“Булутлар” метафораси ватан устига келадиган душманлар маъносида, “эрк шамоллари” – истиклол дарағи ва сурури, “булоқлар” эса шу пайтгача таъқиқланган урф-одатлар, ўзликни англатувчи анъаналарга йўл очилганлигига ишора, ёллари ҳилпираб учаётган тулпор эса яна келажакка қараб йўл олган миллат, ўзбек миллатининг рамзи сифатида келтирилган.

Азим Суюннинг “Ўзбек, Ўзбекистон!” номли шеърида ҳам худди шу образни учратиш мумкин.

Тоза отнинг тоза бўлгайдир зоти,
“Асл тулпор экан ўзбекнинг оти...”
Муборак, ай, юртим! Қирқ газ қанотли!
Кун келгай, тилингда сўзлагай жаҳон, –
Ўзбек, Ўзбекистон!

Демак, Азим Суюн шеърларида келажак сари дадил одимлаётган ўзбек миллатини учқур тулпор метафорасидан фойдаланган ҳолда акс эттирилган.

Шоирнинг “Ўзбек, Ўзбекистон!” шеърининг биринчи банди анафора тасвирий ифодасидан фойдаланган ҳолда ёзилган:

Ўтди жаҳон ичра не турфа жаҳон,
Турфа жаҳон ичра не турфа даврон,
Турфа даврон ичра не турфа имкон,
Турфа имкон ичра пайдодир тан-жон, –
Ўзбек, Ўзбекистон!

¹Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, – Тошкент, 1997, 108-бет.

Бунда силсилали ташбеҳ ҳам қўлланилган. Жаҳон – турфа жаҳон – турфа даврон – турфа имкон – тан-жон кабиларнинг кетма-кетликда келиши ҳамда такрорланиши тадриж санъатига мисол бўла олади. Мисралар бошидаги турфа сўзининг такрорланиши эса анафорага мисол бўлади. Худди мана шу банд шеърнинг якуний банди вазифасини ҳам ўтаган. Бу шеърда халқа санъати қўлланилганлигидан дарак беради.

Шоирнинг “Йилбоши” шеърида юртда ўтказиладиган сумалак сайллари ҳам ўзликнинг миллатга қайтганлиги, ҳам халқнинг фаровонлик рамзи бўлган кўклам фаслига етганлигининг белгиси сифатида қўлланилган.

Мен бир ошиқ шоир, кўкда камалак,
Қалдирғочнинг қийиб учишин кутдим.
Дошқозонлар тўла ҳалим, сумалак,
Қозонинг тўлгани рост бўлсин, ЮРТИМ!¹

Шеърнинг ниҳоясида қўлланилган “қозон” халқнинг ризқ-рўзи рамзи бўлса, унинг тўла эканлиги халқнинг келажак ҳаётига ишонч маъносини англатмоқда.

Шоирнинг “Замон суратига чизгилар” шеърида истиқлол арафасидаги ўзбек миллатининг орзу ва армонлари акс эттирилади. Бунда давроннинг ғоратлиги, савоб билан тавбаларнинг умри қисқалиги, умуман, элда адолат мувозанатига ноҳақликлар путур етказганлиги ҳақида сўз боради.

Тулки, қашқир ўрга чиқди,
Ўғри тўра тўрга чиқди.
Зарли, зўрли зўрга чиқди,
Турфа иллат майдони кўп².

Шеърдаги “тўра-тўрга” ва “зарли-зўрли-зўрга” каби бирликлар орқали аллитерация санъати қўлланилган. Тулки ва қашқир номлари бу ўринда

¹Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, – Тошкент, 1997, 106-бет.

²Ўша китоб, 104-бет.

бузғунчи ва номард кимсалар маъносидаги метафора ҳамда таъдид санъатига мисол бўла олади.

Истиқлол арафасида ёзилган ушбу шеърда унинг лирик қаҳрамони бўлган шоирнинг Ўзбекистоннинг албатта мустақилликка эришишига ишончи акс эттирилган. Чунки бу шеър истиқлол арафасида ёзилган.

Шоирнинг “Ватан гимни” шеъри эса истиқлолга эришган юртга офарин айтиш асосида ёзилган:

Айланур коинот, айланур абад,
Она Ўзбекистон! Ёниқ чироғинг.
Дўстларинг боши тик, душманинг барбод,
Гувоҳдир Туркистон – қадим тупроғинг.
Аждодлар руҳига балли!
Шуур, шукуҳига балли!¹

Бу шеърда Ватаннинг шон-шуҳратини дунёга танилишида кўмак берган аждодлар руҳи эсга олинади. Уларнинг истиқлол учун асрлар давомида курашганлари, айримлари маълум маънода ўз мақсадларига эришганлари, айримлари эса бунинг уддасидан чиқа олмай армонда бу дунёдан кўз юмганлари ҳақида сўз боради. Шоир уларнинг покиза руҳлари кўллаб-қувватлаганлари учун ҳам бизнинг истиқлолимиз бардавом бўлишини таъкидлаб ўтмоқда.

Азим Суюннинг яна бир шеъри “Кўк тукли, кўк ёлли катта арлони бўри ҳақида баллада” деб номланади. Шеър сарлавҳасидан бу шеър шу турдаги ҳайвон, яъни бўри ҳақида бўлса керак деб ўйланиши табиий. Лекин шеърдаги бўри қадимда туркий қавмларнинг бош культларидан бири бўлган бўри тимсоли ҳақида эканлиги шеър давомида англашилади. Чунки қадимги ривоятларга кўра туркий қабилаларга бўри йўлбошчи бўлганлиги учун ҳам туғларида шу ҳайвоннинг рамзи бўлган. Шоир ҳам айнан шу жиҳатларга эътибор қаратади:

¹Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, – Тошкент, 1997, 96-бет.

Менинг содиқ йўлбошчим
 Бўри
 Нимагадир кўринмай қолди.
 Бирор Тўнғиз қуритди шўрин,
 Ё жар-парга қулаб йўқолди?
 Менинг содиқ йўлбошчим
 Бўри¹.

Шеърда тўнғиз сўзининг бош ҳарфлар билан берилишидан унинг ўз маъносида берилмай, балки кўчма маънода, яъни Ватан ўғлонларининг йўлбошчисига ҳужум қилган, уни йўқ қилишга уринган ёвуз кучларнинг рамзи сифатида ёндошади.

Шеърнинг кейинги бандларида лирик қаҳрамон бўлган ўз йўлидаги йўлбошчисини йўқотган инсон кўк бўри, яъни йўлбошчи билан албатта учрашишига ишонч билдиради. Унинг бирорта ҳам ёвуз куч маҳв этмаганлигига ишонади. Бир-бирлари билан албатта топишишларидан кўнгли тўқ эканлигини айтади.

Кўк тукли, Кўк
 ёлли Бўрим, йўқ,
 Сени ҳалок этажак куч йўқ!
 Мен адашиб қолганман сендан,
 Сен адашиб қолгансан мендан.
 Топишамиз! Буткул кўнглим тўқ!
 Кўк тукли, Кўк
 ёлли Бўрим, ҳай,
 тўғри йўлга бошлайсан мени,
 Санжоғимда кўтаргум сени!
 Кўк тукли, Кўк
 ёлли Бўрим, ҳай!¹

¹Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, – Тошкент, 1997, 97-бет.

Шеър ниҳоясида ўзининг йўлбошчисига ишончини эркин диёрга бошлай олишига, ўз қалбида уни асраши ваъдаси орқали эсга олади. Кўк бўри тимсолида миллатни озодликка, эрка бошловчи юртбошини чорлашда давом этади. Бу шеър 1990 йилда ёзилганлигини ҳисобга олсак, бир йилдан сўнг келадиган истиқлолга, юртни истиқлол сари етаклаган ва ҳозиргача раҳнамо бўлиб келаётган муҳтарам Юртбошимизга бўлган юксак ишончни лирик қаҳрамон кечинмалари орқали кузатиш мумкин.

Азим Суюн шеърлятида яна бир ўзига хос мавзу бу анъанавий севги-муҳаббат мавзуси бўлиб, ушбу мавзу акс эттирилган шеърларига шоирнинг “Ўлдирсанг ҳам ўлдир, муҳаббат!” номли туркумини, “Омадли ошиқнинг кўнглидай ногоҳ”, “Бу қалбимга ўртанишларинг”, “Яна келдим сенинг кўчангга”, “Бахт”, “Видо”, “Ишқ олови”, “Илк муҳаббат ҳақида кўшиқ”, “Муҳаббатнинг сирли эртаги” каби кўплаб шеърларини киритиш мумкин.

Шоир ушбу шеърларида ошиқнинг дил изҳори, жароҳатланган қалбларнинг изтироблари, ёрнинг васфи кабиларни тараннум этган.

“... Унинг севги лирикаси бошқа миллий шоирларнинг шу йўналишдаги битикларидан бу муборак туйғуга тоза ўзбекча ёндашув яққол кўзга ташланиши билан фарқ қилади... Унинг XX аср адоғида ёзган севги шеърларида ҳам худди қадим халқ оғзаки ижоди намуналаридаги каби турғун маънавий ўзлик, анъанавий бадий воситалар, собит миллий руҳ акс этади. Шоир севги тўғрисида ёзар экан, ортиқча жимжималар қилиб, юрак қаъридаги мубҳам ҳолатларни янада мавҳумлаштириш йўллари изламайди. Унинг муҳаббат лирикасида ифодалар ёрқин, кечинмалар бутун, туйғулар ёмби каби йирик, сезимлар тоза ўзбекча, ҳиссиётлар қўл билан ушлагудек аниқ...”²

Азим Суюннинг “Ўлдирсанг ҳам ўлдир, муҳаббат!” номли туркуми таркибида ўнта турли ҳажмдаги шеърлар жамланган бўлиб, ушбу

¹Ўша китоб, 97-бет.

²Қозокбой Йўлдош. Йўл одами. –Т., “Muharrir” nashriyoti, 2011, 32-бет.

туркумнинг лирик қаҳрамони ошиқ йигит. У шеърлар давомида кўпроқ муҳаббат туйғусига тирикодамга мурожаат қилган каби сўзлайди. Туркумдаги биринчи шеър лирик қаҳрамоннинг муҳаббатни илк бор таниган лаҳзалари ҳақида ёзилган:

Сени танидим муҳаббат,
Танидим гулларнинг исмини.
Сени танидим муҳаббат,
Яшашга тутиндим сигиниб¹.

Кўриниб турибдики, ошиқ муҳаббат билан танишганидан сўнг бу дунёдаги барча яхши нарсаларни англай бошлаган. Барча чиройли нарсаларни кўра бошлаган ёки гўзалликларни қалбдан идрок эта борган. Ҳаттоки ўзини ҳам шу муҳаббат туфайли таний бошлаган, ўзлигини англаган.

Туркум таркибидаги иккинчи шеърда лирик қаҳрамоннинг шу пайтгача ғафлатда ётганлиги қоронғулик ёки зулматга тенглаштирилади. Яъни у ғафлатда ва зулматда умр кечирган, лекин муҳаббатни учратгандан сўнг у оқлик – ёруғликка томон чиқа бошлаган:

Ҳаётимга нурдек кирдинг, муҳаббат,
Йўл бошла, йўл бошла энди сен фақат!²

Туркумнинг учинчи шеърида лирик қаҳрамон қалбидаги муҳаббат туфайли пайдо бўлган гўзаллик шакллари тасвирланади. Туркумнинг мана шу шеъри кўшиқ қилиб куйлангани ва эл орасида тезда машҳур бўлиб кетганлигини ҳисобга олсак, ушбу шеърнинг бадиияти юқори ва юксак савияда ёзилган шеър деб айтиш мумкин. “Азим Суюннинг “Гўзал” шеъри ҳам инсондаги энг сирли ва соҳир туйғу тасвирига бағишланган. Шеърнинг биринчи бандида “Кўксимда қиқирлар севги” шаклида ифодаланган сезим лирик қаҳрамоннинг кун, тун, тонгларнигина эмас, балки ғамлару мунгларини ҳам гўзал қилиб юборгани ғоят самимий ифода этилган. Шу

¹Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, – Тошкент, 1997, 22-бет.

²Ўша китоб, 23-бет.

ифода шеъхонни ғам билан мунг қандай қилиб гўзал бўлиши мумкинлиги ва бу тасвирда нима кўзда тутилаётгани борасида ўйлаб кўришга мажбур қилади”¹.

Оҳ, на фақат кунлар гўзал.
Тонглар гўзал, тунлар гўзал,
Саслар гўзал, унлар гўзал,
Ғамлар гўзал, мунглар гўзал,
Кўксимда қикирлар севги².

Бу бандда тақрир санъатидан фойдаланган ҳолда лирикқаҳрамоннинг муҳаббатдан пайдо бўлган кечинмалари аниқроқ ифодаланмоқда. Шунингдек, таъдид санъати ҳам ташбеҳ ҳам шеърнинг оҳангдор бўлишини таъминлаган.

Шеърнинг иккинчи бандида хусни таълил санъатидан унумли фойдаланилган. Яъни ҳаётда юз берувчи оддий ҳодисаларни айнан маъшуқага бўлган муҳаббат туфайли юз бераётганлиги ошиқ томонидан ифодаланади:

Қип-қирмизи зардолилар
Севги оловидан ёнар.
Боғ четида ошиқ анор
Ишқ зўридан тарс ёрилар,
Кўксимда қикирлар севги³

Яъни зардолиларнинг табиий қирмизи ранги ҳам, анорларнинг табиий равишда ёрилиши ҳам ошиқлигидан дея кўрсатилмоқда. “Шоир табиат ҳодисаларини борица эмас, балки ўз кўнгил ҳолат даражасидан келиб чиқиб ифодалайди... Булар шунчаки ўхшатишлар эмас, балки тенгсиз шоирона нигоҳ билан илғаб олинган гўзалликлардир. Чиндан ҳам япроқлари қип-қирмизи бўлиб оловланган ўрик оғочи гуриллаб ёнаётган гулханга ўхшайди. Ёрилган анорнинг эса, кўнглидаги ишқини вужудига сиғдира олмаган

¹Қозоқбой Йўлдош. Йўл одами. –Т., “Muharrir” nashriyoti, 2011, 33-бет.

²Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, – Тошкент, 1997, 23-бет.

³Ўша китоб, 23-бет.

юракни эслатиши табиий. Зеро анор кўриниши ва ранги билан юракка ўхшаб кетади”¹. Бу шеърнинг сўнгги бандида яна биринчи банд такрор ҳолатда қўлланилади. Бундай ҳолат шеърда халқа санъатидан фойдаланилганлигидан дарак беради.

Туркум таркибидаги тўртинчи шеър лирик қаҳрамон бўлган ошиқнинг қарама-қарши туйғуларини ифодалаганлиги билан ажралиб туради.

Қайдан сени учратдим, оҳу,
 Ҳам шафиксан, ҳамда бешафқат.
 Яшамок – бол, яшамок – оғу,
 Кўзларингда ёнар муҳаббат².

Ҳақиқатдан ҳам, ошиқ учун маъшуканинг борлиги ҳам дилига оғрик беради, ҳамда лаззат беради. шу қарама-қарши туйғулар билан яшаш ошиқнинг ҳаётини ҳам болга, ҳам оғуга айлантиради. Яъни, севги бор жойда унинг ҳижрони ҳам, висоли ҳам бўлиши, у қийноқ ҳам лаззат ҳам беришига ишора қилинмоқда.

Туркум таркибидаги бешинчи шеърда ошиқнинг муҳаббатга ташна қалби аввал қанчалик сўник бўлганлиги, энди эса у жонланиб, кунлари равшанлашганлиги, ичган сувлари ширину, ранг-рўйи қирмизи рангга кирганлиги ҳақида сўзлайди.

Тошлар эриб оқди-ей,
 Қикир-қикир кулди ой,
 Бир гулгун ўт ёқди-ей,
 Кун ва тун туташган жой³.

Бу шеърӣй парчада шоир жонлантириш санъатидан фойдаланган. Яъни тошларнинг сувга айланиб, оқиб кетиши, ошиқ қалбидаги музликларнинг парчаланиши бўлса, ойнинг кулиши унинг кўзига ҳар нарсанинг чиройли бўлиб кўринишига ишора тарзида, уфқнинг қизариб ботиши ҳам

¹Қозоқбой Йўлдош. Йўл одами. –Т., “Muharrir” nashriyoti, 2011, 34-бет.

²Азим Суюн. Сайланма. ШАРҚ, – Тошкент, 1997, 24-бет.

³Ўша китоб, 24-бет.

маъшуқанинг ошиқ қалбига ёққан оловининг ёлқини сифатида талқин этилмоқда.

Туркумнинг олтинчи шеърида бу дунёнинг бевафо эканлиги, ҳар нарса қалбни озорлантириши, лекин энг вафоли туйғу муҳаббат эканлиги хусусида сўз боради.

Юрагим – бевафо, бевафо – қадрим,
Муаллақ дунёда муаллақ қаддим:
Қаддимни тик тутди вафодор ҳаёт –
Муҳаббат, муҳаббат, муҳаббат¹.

Шеърнинг еттинчи бўлими ҳам санъаткорлар томонидан қўшиқ қилиб айтилган. Бу шеърда энди муҳаббат туфайли ошиқ чеккан изтироблар кўпроқ мадҳ этилади. Лекин ошиқ ушбу озорлар қалбини ўрташда давом этишига рози эканлигини, фақат муҳаббат қалбини тарк этмаслигини ўтиниб сўрайди.

Ўртамизда дарё оқсин,
то мен кечиб ўтолмай,
Офтоб бир ўт-олов ёқсин,
мен қошингга етолмай...
...Ўртамизда даштлар ёнсин,
юзинг кўрмай.
Оҳ, сен... майли, ўлмай юргин,
то мен ўлмай².

Шеърда ошиқнинг илтижолари қалбдаги муҳаббатга қаратилган бўлса-да, бу муҳаббатдаги умидсизликнинг пайдо бўлмаслигига ишора дейиш ҳам мумкин.

Туркум таркибидаги саккизинчи шеър “Ўлдирсанг ҳам ўзинг ўлдир, муҳаббат” мисрасининг бандлар сўнгида такрорланиши асосида яратилган. “...Севги ҳамма нарсага ўзгача эзгу моҳият ато қилади. Елишнинг ҳам,

¹Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, – Тошкент, 1997, 23-бет.

²Ўша китоб, 25-бет.

куйишнинг ҳам сабабкори муҳаббат бўлгани боис “суйиб елган ел” танларга ором бахш этса, “куйиб кулган кул” куятуриб кулишга куч топади”¹. Унга кўра лирик қахрамон муҳаббатдан йўқ бўлмасдан илгари ошиқнинг ўзи вафотэтишини, яъни ўз қалбида муҳаббати билан ҳалок бўлишни хоҳлайди.

Мажнунларга эл бўлибон куйлайман,
Оқинлардай сел бўлибон куйлайман,
Куз гулидай гул бўлибон куйлайман,
Суйиб елган ел бўлибон куйлайман,
Куйиб кулган кул бўлибон куйлайман;
Ўлдирсанг ҳам ўзинг ўлдир, муҳаббат!²

Муҳаббат туйғусининг мадҳи учун Мажнун талмеҳи қўлланилиши, ошиқнинг оқинларнинг куйига сел бўлиб куйлаши, куз гулидай гул бўлиши, суйиб эсадиган ел бўлиши, куйиб кетган бўлса ҳам кулиб турадиган кул бўлишидан ҳам унинг ҳиссиётлари муҳаббат туйғусига нисбатан самимий эканлигини кўрсатади.

Туркумнинг тўққизинчи шеъри тажнис санъатидан фойдаланган ҳолда сўз ўйинлари қилиш орқали ифодаланган. “... Ўйноқи оҳангга эга, тоза руҳдан бино бўлган бу шеърда чин ошиқнинг мубҳам ва омонат руҳий ҳолати ғоят жонли акс эттирилган. Ўн бешгина сўздан иборат биринчи тўртликнинг ўзида тўққизта атов гап ишлатилган. Телеграф услубини эслатувчи бу сўз-гаплар ёнгинасидаги маъшуқасига қандай ёндашишни билмай эловсираётган ошиқ ҳолатини ёрқин акс эттирган”³. Унда висол онларида ошиқнинг ўзига хос кечинмалари тавсиф этилган. Яъни, ошиқ маъшуқанинг ҳузурида ўта ҳаяжонли ҳолатни бошидан ўтказмоқда.

Оқшом. Оқ шом. Катта боғ,
Ҳовуз. Супа. Шаббода.
Юлдуз... Юлдуз... Ой бедоғ

¹Қозокбой Йўлдош. Йўл одами. –Т., “Muharrir” nashriyoti, 2011, 35-бет.

²Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, – Тошкент, 1997, 26-бет.

³Қозокбой Йўлдош. Йўл одами. –Т., “Muharrir” nashriyoti, 2011, 36-бет.

Нурдан узатар бода¹.

Бу парчадаги “оқшом” ва “оқ шом” сўзлари орқали ҳам тун, ҳам оппоқ тун маъноси ифодаланган, яъни тун одатда зулмат ёки қоронғу бўлиши керак, лекин ошиқнинг қалбидаги севги туфайли, ёнгинасидаги маъшуқанинг висоли туфайли бу тунлар шукуҳли ва ёруғ бўлиб туюлмоқда.

Туркумнинг ўнинчи шеърда ошиқнинг муҳаббат туйғусига муносабати умумий ҳолатда акс эттирилган. Яъни, чин муҳаббатни тоғларда – ҳамма ҳам ета олмайдиган пана жойларда асраш лозимлиги, бўлмаса, бу туйғуни оёқости қилувчилар кўпайиши натижасида у қадрсизланишидан лирик қаҳрамон хавотирланади.

Мен сени тоғларга олиб кетаман,
Мен СИРман – асрагум, жоним, муҳаббат,
Ёдда тут, мен сенга бир сўз айтаман,
Сенга чин ошиқлар етурлар фақат!
Мен сени тоғларга олиб кетаман².

Шеърда анафора, ташбеҳ, метафора ва таъдид каби санъатлар қўлланилган. Лирик қаҳрамон муҳаббатнинг қадрига фақат чин ошиқлар етишини, улар бор бўлса, муҳаббатдай илоҳий туйғу асло унутилмаслигига ишора қилади. Умуман, ушбу ўн шеър бирлигидан иборат туркум муҳаббат туйғусининг инсон қалбини гўзалликка, эзгуликка йўналтиришини таъкидлаган шеърлардан ҳисобланади.

Азим Суюннинг севги-муҳаббат талқинлари акс эттирилган шеърлари талайгина. Шоирнинг бу мавзудаги шеърларининг бошқа шоирларнинг шу мавзудаги шеърларидан фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд. Яъни, ишқий ифодалар ошиқ тилидан ўзига хос, миллий руҳда, инсон қалбига озор бермайдиган тарзда, ўринли истиора ва ташбеҳлардан фойдаланган ҳолда,

¹Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, – Тошкент, 1997, 27-бет.

²Ўша китоб, 28-бет.

ҳаётий асосларнинг муҳаббат талқинларига мослаштириливи тарзида санъаткорона ифодаланади.

“Кўринадики, Азим Суюн – муҳаббат туйғусига ўта умидбахшлик билан ёндашадиган шоир. У бу муқаддас туйғуни дарду меҳнат, ташвиш эмас, балки неъмат даб билади”¹.

Шоирнинг муҳаббат лирикасида қўлланилган лирик қаҳрамони ҳам асосан ошиқ, поэтик образлари эса маъшуқадан ташқари табиат ҳодисалари, унсурлари кабилардан иборат.

Азим Суюн шеъриятида шоир бадиий маҳорати ва лирик қаҳрамон масаласи юзасидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- 1) Азим Суюннинг Ватан мавзусидаги шеърларида аксар ҳолатда лирик қаҳрамон шоирнинг ўзи, баъзан эса умумлашма образ шаклидаги ватанпарвар инсон дейиш мумкин.
- 2) Ватан ва ўзликни англаш мавзусидаги шеърларида шоир бадиий тасвир воситаларидан унумли фойдаланган, айниқса, бадиий кўчимлар, ташбеҳ, талмеҳ, истиора ёки бошқа бадиий санъатлар ўринли қўлланилган.
- 3) Азим Суюннинг муҳаббат мавзусидаги шеърларининг лирик қаҳрамони бўлган ошиқ кечинмалари миллий руҳда, инсон қалбининг нозик сезимларини идрок эта олганлик даражасида, ўринли ва янгича истиора ҳамда ташбеҳлардан фойдаланган ҳолда ифодаланган.

Умуман, Азим Суюн шеъриятида Она-Ватанга муҳаббат ва ёрга бўлган севги каби туйғуларнинг ифодаси ўзига хос тарзда акс эттирилган.

¹Қозокбой Йўлдош. Йўл одами. –Т., “Muharrir” nashriyoti, 2011, 41-бет.

II БОБ. ШОИР ШЕЪРИЯТИДА ПОЭТИК ОБРАЗЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Лирик асарда лирик қаҳрамон тушунчаси билан ёнма-ён лирик персонаж ёки поэтик образ тушунчаси ҳам ўз аксини топган. Йирик назариётчи Л.И.Тимофеев образ “бадий тўқима ёрдамида яратилган, эстетик қиймат касб этган инсон ҳаётининг умумлашма ва айнаи чоғда, аниқ манзараси эканлиги”ни қайд этиш орқали унинг ҳаёт билан қанчалар боғлиқ эканлигини яна бир бор қайд этади.

Адабиётшунос олим Б.Акрамов тасниф этган лирик қаҳрамон нисбатан конкретроқ, лирик шеър қаҳрамонлари маъно-моҳиятига анча мос келади. У поэтик образнинг асосий типлари сифатида олти турни келтириб ўтади. Булар:

1. сиёсий - публицистик лирика образлари;
2. фалсафий - лирик образлар;
3. лирик - трагик образлар;
4. интим - лирик образлар;
5. лирик - портрет ва образ-портрет;
6. лирик манзара ва образ – манзара.

Айнан мана шу таснифдаги аксарият образларни Азим Суюн шеъриятида ҳам учратиш мумкин. “Чинакам лирик шеърни муайян одам руҳининг, муайян характер кайфиятининг белгили ҳолатини акс эттирувчи «монологи»деб атаса бўлади”¹. Шоир шеърда яратилажак характер руҳиятига кира олмаса, у каби ҳолатни, унинг ролини бажара олмаса, шеърнинг муваффақиятли чиқиши амри маҳол. Шунингдек, поэтик образ ифодаси учун ҳам шоирдан юксак маҳорат талаб қилинади.

Азим Суюнни бу масалада юксак маҳорат соҳиби дейиш мумкин.

¹Жамоа. Адабиёт назарияси. 2 томлик. 1-том. – Т.: Фан, 1978. – Б.122.

Шоирнинг аксар ҳаётнинг ижтимоий муаммолари ва зиддиятлари акс этган лирикасига унинг шеърӣ тўпламларида “Оқ ва қора” каби ўзига хос ном берилган. Бу бежизга эмас. Ҳаётнинг шу икки жиҳати дунёнинг мувозанатини сақлаб туришига ишорани илғаш қийин эмас. Шоирнинг бу туркумдаги шеърлари сирасига “Оловдир бу олам”, “Гулхан”, “Тумор”, “Чўққи”, “Келинчак”, “Тун”, “Хотира”, “Шоир ва севги”, “Тегирмон”, “Балиқчи ва денгиз”, “Кураш”, “Оналар”, “Август оқшомларида”, “Машрабнинг сўнгги қўшиғи”, “Бир дўст ўлими”, “Инсон”, “Кўзлар”, “Аёл жангга кирса”, “Болаликка соғинчли салом хат”, “Инсон қалби” каби кўплаб шеърларини киритиш мумкин. Ушбу шеърларда илгари сурилган ғоялар асосан, инсониятнинг кўп асрлик муаммолари бўлган, инсон маънавияти, эрки, қадриятлар, зиддиятлар кабилардан иборат.

Хусусан, шоирнинг “Оловсиз бу оламдир” шеърида ҳаёт зиддиятлари, яъни, оловсиз яшолмаслигию, лекин олов балосидан асрагин, дея илтижо қилиши ёки сувсиз яшолмаслигию, лекин сув балосидан асрасин дейиши ҳақида сўз боради. Лекин инсоннинг ўзи ҳам кимлар учундир офат эканлиги, бутун Олам ундан ҳам асрашини сўраши шеърнинг ниҳояси сифатида келтирилади:

Одам султон дунёга рўй-рост,

Усиз ҳилқат беҳуда, муҳмал.

Лекин Олам юрагида сас:

- Одам балосидан асрасин!

Яъни, бутун борлиқ Инсон туфайли ҳалокатга юз тутиши мумкинлиги, бугунги кунда юзага келаётган экология ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ муаммолар назарда тутилмоқда. Шоирнинг “Гулхан” шеърида гулхан поэтик образи давомийлик ёки инсонларнинг бир-бирига ҳурмати, ҳамжиҳатлиги рамзи сифатида келтирилади. Тоғлик эркакларнинг кеч бўлганда гулхан атрофида гурунглашиши одати акс эттирилган ушбу шеърнинг ниҳояси ҳам ўзига хос:

Биз ҳам, бешак, бир кун кетармиз, лекин
 Ишончим тоғ: давра қолмас ҳувиллаб.
 Наслимиз ўтирар... қочиб турар тун,
 Юракдай ёнади гулхан гуриллаб!¹

Яъни, инсонлар юраги уриб турар экан, насллар давом этар экан, издошлар ҳам анъаналарни давом эттираверишлади, деган хулоса келиб чиқади. Шоирнинг шу каби рамзий поэтик образлар акс этган шеърлари талайгина, Хусусан, “Тумор” шеъридаги “хат”, “Чўққи” шеърида “тош” поэтик образлари ҳам рамзий маъно англатган. “Тумор” шеърида етакчи поэтик образ Она бўлиб, у урушга кетган ўғлидан келган ягона мактубни тумор қилиб бўйнига осиб олган. Чунки бу тумор ўғлининг албатта қайтиб келишига унда ишонч уйғотади ҳамда ўғли мактуби орқали ҳаётдек туюлади унга. Ҳам ўзининг яшашда давом этишига ана шу мактуб ёрдам беради.

Кутди... Жангдан қайтмади ўғли,
 Бир хат қолди ундан нишона.
 Шу хат билан ҳаётдир бағри, -
 Тумор қилиб тақди сўнг Она!²

“Чўққи” шеърининг етакчи поэтик образи шуҳратга интилган амалпараст инсон бўлиб, унинг қай йўллар билан бўлса-да баланд чўққиға, яъни юксак мартабага эришганлиги, лекин кун келиб, оддий бир тош шаклида ўша чўққидан жарга томон улоқтирилганлиги ёки думалаб бораётганлиги акс эттирилган. Бу орқали ҳам амалпарастнинг тошдек қаттиқ бағрига ишора қилинса, иккинчидан, унинг бир тошча ҳам қадри йўқ эканлигига ишора сезилмоқда.

Тинмайин ҳаракат не йўллар ила...
 Аммо бўронларга беролмади дош.

¹Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, – Тошкент, 1997, 236-бет.

²Ўша китоб, 237-бет.

Ху, баланддан бугун, жарликка ана,
Думалаб кетмоқда бўлиб битта тош!¹

Азим Суюн шеъриятида ўзига хос тарзда шакллантирилган келинчак образи ҳам мавжуд бўлиб, бу одатдаги сулув ва уятчан эмас, балки тошбағир ва ўзига бино қўйган сифатида шакллантирилган. “Келинчак” номли ушбу шеърда тинмай келинига фарзанд тилаётган она, ибодатларида ёлғиз фарзандига зурриёт сўраётган ота, кечалари бефарзанд ўтишини ўйлаб оху фиғон чекаётган йигит каби поэтик образлар келтирилган. Шеърнинг ниҳоясида эса мана шу ниятларга тўсиқ бўлиб турган асосий образ, яъни келинчак образи келтирилади:

Дуолар, кўз ёшлар, эвоҳ, не қилгай,
Худолар не қилгай ҳайҳот, алҳазар,
Ўткинчи ҳуснини сақламоқ бўлган,
Қалби тош келинчак истамаса гар²...

Кўринадики, бу тошбағир санам хоҳламагани учун фарзанд доғи барчани куйдирмоқда. Унинг ҳусни ўз қийматини йўқотганида уларнинг фарзанд кўриш вақти ҳам ўтиб бўлишини тушунган йигит фиғон чекканлиги маълум бўлади.

Азим Суюн шеъриятида ижтимоий мавзунинг қадимий битиклар билан билан боғлиқ шакллари мавжуд бўлиб, улар орасида “Кул тегин”, “Энасой”, “Унутилган тиллар” каби шеърлар айнан мана шу мавзуга бағишланган. ушбу шеърлар қадимий ёдномалар ва аجدодларнинг мардлик ва жасурликнинг намунаси бўлиб яшаб ўтганликларининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Мен ўзим шод – кул Тегин,
Турк юртининг ўғлони.
Сўзим эшит будуним,
Тўрт уфқ – юртим тўрт ёни!

¹Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, – Тошкент, 1997, 237-бет.

²Ўша китоб, 238-бет.

Сен буни билаюрсан,
 Меҳри – томирингда қон.
 Ҳимоя қилаюрсан,
 Илкингдадир бор имкон¹.

Култигин тилидан айтилган чақириқ юртнинг ҳимоячиларига қаратилган бўлиб, унда улар юртни тўрт ёндан ҳимоя қилишга масъул эканликлари ҳақида сўз боради. Имкони бориचा юртни ҳимоя қилиш бурчлари эканлиги уқтирилади.

Турк будуним, қани, кел,
 Эркин яша очунда!!!
 Ёв қонин тўкаюрмиз,
 Сўнгги кураш эрур бу.
 Турк ерин ўпаюрмиз
 Авлод ҳаққи кулгай у!²

Бу парчада култегин ўз халқига мурожаат қилиб, уни тинч ва эркин яшадини хоҳлаётганлигини айтади. Агар ёвлар дахл қилса, уларни ер билан яксон этажагини таъкидлайди. Лекин сўнгги сўзлари унинг ҳаёт-мамотжангига чиқаётганлигини кўрсатади. Чунки у ёвларнинг қонинин тўкиб, юрт тупроғини ўпишга чорлашидан ушбу маъно англашилади.

Шоирнинг “Энасой” шеърида шеърнинг лирик қаҳрамони Энасой дарёсига мурожаат қилиб, у билан қондош эканлигини, бунда орадаги масофанинг аҳамиятсиз эканлигини, дилу қардошлик, қондошлик бирлиги мавжуд эканлиги таъкидланади.

Азим Суюннинг «Унутилган тиллар» шеърида дунё тилларининг келиб чиқишида муҳим ўрин тутган шумер, сўғд, юнон, аккад, бобил, санскрит каби тилларнинг йўқолиб, унутилиб кетилаётгани куюниб айтилади. Аслида эса бу тиллар эмас, кўпчилик халқлар айна пайтда сўзлашаётган тилини

¹Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, – Тошкент, 1997, 121-бет.

²Ўша китоб, 122-бет.

йўқотиб бораётганлиги, хусусан, тоталитар тузум даврида ўзбеклар ҳам ўз тилини йўқотар даражага тушганлиги ҳақида куюниб сўзланмоқда. Шунинг учун ҳам шоир шеърнинг ниҳоясида:

Тарихнинг йўқ сафҳаларидан бугун
Азоб билан ғамгин боқасиз гўё –
Сароб яллиғими ва ёки рўё...
Гарчи термуламан тунлари беун,
Кўлимдан келмагай тикламоқ аммо!¹

дейиш орқали дунёнинг юқоридаги каби асл тилларига мурожаат қилиб, улардан мавжуд вазиятда қадимий халқлардан қолган ёдгорликларни ўрганиш учун ҳеч ким уларнинг тили билан қизиқмаётганлигидан куюнади. Ўз тилини билмаган халқ ўтмиши билан умуман қизиқмаслиги лирик қаҳрамонни қийнайди.

Шоирнинг “Қуёш ботар пайти” шеърида лирик қаҳрамони ўз ўғлига мурожаат қилиб қуёш ботар чоғда ухламаслик кераклиги ҳақидаги ақидани ўзига хос тарзда талқин этади. Жуда оддий бўлиб туюлган бу ҳаёт ҳақиқатига улкан ижтимоий маъно ҳам юклайди. Яъни, Ватанга қоронғулик тушаётган чоғда юрт ўғлонлари ғафлатда ётмасдан, сергак туриши зарурлигини уқтиради.

Тарракдай сен қотиб ухлаб қолсанг гар,
Мастона бу олам ухлар муқаррар,
Тун кунга баробар эмасдир, ўғлим,
Кун тунга баробар эмасдир, ўғлим,
Бевақт уйқулардан сақлан, алҳазар!²

Яъни ёруғлик ва қоронғуликнинг ўртасида ҳар қачон хушёр бўлиш элнинг содиқ фарзандларининг бурчи эканлиги яна бир бор уқтирилади.

¹Азим Суюн. Куйганим – суйганим. –Т., Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991. 85-бет.

²Ўша китоб, 41-бет.

Мажозий образлар ифодаланган шеърлар Азим Суюн шеърлятида учраб туради. Хусусан, «Баъзан ҳасрат босар...» шеърида «ғийбат» мажозий образи худди шундай вазифани бажарган.

Илондек судралар изимдан ғийбат,
Чопиб ташламоққа менда йўқ ғайрат¹.

Яъни, ғийбат номли мавҳум тушунчага худди тирик мавжудотдек қараб, унинг инсонни беҳаловат қилувчи, уни руҳий изтиробга солувчи тушунча эканлигини уқтирмоқчи бўлади. Лекин лирик қаҳрамон уни йўқ қилишга мадори етмаслигини айтиш орқали ғийбатнинг жуда ҳам катта кучга эга эканлигини таъкидламоқчи бўлади.

Яна бир «Йўлбарсли тоғлар» деб номланган шеърда «йўлбарс» асл маъносидан кўра мажозий мазмун учун хизмат қилганлигини тушуниш мумкин. Йўлбар бу ўринда юртнинг мард ўғлонлари маъносида келган. Яъни юртда мард баҳодирлар кўплигини, улар ўз Ватанларини сидқидилдан кўриқлашларини билган «тулки ҳам, ит ҳам, бит ҳам» келиб инсонларни безовта қила олмайди.

Йўлбарсли тоғларда аниқдир сарҳад.
Тулкилар султонлик даъво этишмас.
Йўлбарсли тоғларда аниқдир сарҳад,
Ит ҳам, бит ҳам мулкин талаб кетишмас!²

Азим Суюннинг «Тешиктош афсонаси ва ё андиша хусусида бир ҳақиқат» шеърида ҳам ўзига хос мажозий образ яратилган. Бу «тешиктош» образи бўлиб, у инсонларни синовдан ўтказадиган, уларнинг журъатини синаб кўрадиган мавжудот сифатида ўзгача маъно учун хизмат қилган. Ушбу шеър сюжетли шеър бўлиб, унда бир гуруҳ талабаларнинг Тешиктошга саёҳатга келганликлари, асли шу ерлик бўлган гуруҳнинг сардори бу тошдан фақат қалби пок инсонларгина ўта олиши, кимнинг кўнгли нопок бўлса,

¹Азим Суюн. Куйганим – суйганим. –Т., Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991. 140-бет.

²Ўша китоб, 137-бет.

Тешиктош уни қисиб қолиши мумкинлигини айтади. Бунини эшитган талабаларнинг бу тошдан ўтишга журъатлари етмайди. Фақат ораларидаги энг учар ва ғирром йигит бўлган Латиф деган йигит тошдан силлиққина ўтиб кетади ва барчанинг олқишига сазовор бўлади. Шеърнинг лирик қаҳрамони бу тошдан бошқа ҳеч ким ўтмаганлигини, кейинчалик ҳам ҳаётида жуда кўп тошларга учрагани, лекин андиша қилиб улардан ўта олмаганидан ўзидан бир умр нафратланиб ўтаётганлигини айтиш орқали тешиктош образига ўзгача маъно юклайди. Яъни, тешиктош ҳақ бўлмаса-да, одамларни бунга айёрлик билан ишонтира билиш, ўз виждонига қарши иш қилиш, беандишаликнинг рамзи сифатида қўлланилган.

Ки йўлимдан чиққада улар,
 Ҳақлигимни турсамда билиб,
 Юраверди ўтиб ларифлар,
 Мен ўтмадим андиша қилиб!

Азим Суюннинг “Кўзмунчоқ” шеърида мана шу поэтик образ орқали маъшуқанинг ўзига хослиги акс эттирилган. Чунки кўзмунчоқни ёт кўзлардан, балолардан асраниш учун таққан қиз уни ечиб қўйганини йигит кўриб турган эди. Бу орқали йигит сени кўзмунчоғинг менинг муҳаббатимдан асрай олмайди, демоқчи бўлади. Гапининг исботи учун ойнанинг гувоҳликка ўтишини айтади.

Лекин мендан энди, оҳ,
 Асрай олмас кўзмунчоқ,
 Ундоқ-бундоқ гап қилсанг
 Бошгинамда ой гувоҳ¹.

Шоир шеъриятида ижтимоий мавзунинг ҳаёт зиддиятлари билан боғлиқ жиҳатлари ёритилган шеърлари ҳам анчагина. Хусусан, шоирнинг “Баҳодирнинг қиличи”, “Оқ ва қора”, “Дарада”, “Баҳодирсиз қайтди арғумок”, “Тутқун”, “Овчи ўлими” каби қатор шеърлари шулар жумласидан. Ушбу

¹Азим Суюн. Қуйганим – суйганим. –Т., Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991. 119-бет.

шеърларида шоир юксак инсоний фазилатларни тарғиб қилишга, уларнинг мавжудлигини инсонларга таъкидлашга. Ишонтиришга ҳаракат қилади. Бу ҳақида адабиётшунос олим Қ.Йўлдошев шундай фикрлар билдиради:

“Романтик кайфиятли ижодкорлар эзгу фазилатлардан ҳам, тубан иллатлардан ҳам қаттиқ таъсирланишади ва уларни тасвирлашга иштирилишади. Чунки кўнгли романтикага мойил ижодкор ҳамиша юксак ва фавқулодда инсоний фазилатларни ифодалашга интилади”¹.

Юқорида билдирилган фикрларнинг исботи юқорида санаб ўтилган шеърлар қаторида “Баҳодирнинг қиличи” шеърида ҳам ифодаланган.

Шеърдаги баҳодир – юртнинг паҳлавони, юрт учун курашаётган ўғлон. Шеърда тасвирланаётган асосий образ бўлган кичик бир боланинг эртак ўқиб ўтириши жараёнида у ўқиётган эртак баҳодирнинг қиличи синиши ва юртни ёв эгаллаши билан якунланиши боланинг ҳовли четида дилхун ўтириб йиғлашига сабаб бўлади. “Қиличсиз қолган баҳодир, яъни енгилаетган эзгулик учун йиғлаётган бола ҳиссиёти тасиврланган сатрлар ўқувчини мувозанатдан чиқаради. Бировга дардкашлик, ўзганинг ҳолатини туйиш япроқдай бола шахсига қудрат бағишлайди”².

Қайга кетди япровдек бола,
Бўта каби қайда бўзлайди?
Учиб юрган варақлар, ана,
Шамолларга эртак сўзлайди.
Бола қани?.. Билмайман, аммо,
Ишонаман, қайлардадир у
Баҳодирга

қилич излайди...³

Кўринадики, шеърдаги япроқдек нозик тарзда тасвирланган бола образи қалбидаги юртига бўлган муҳаббат, бурчдорлик ва ўз қаҳрамонининг –

¹Қозоқбой Йўлдош. Йўл одами. –Т., “Muharrir” nashriyoti, 2011, 24-бет

²Ўша китоб, 24-бет.

³Азим Суюн. Жавзо. –Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987 й., 69-бет.

эзгуликнинг ғалаба қилишига бўлган хоҳиш уни кучли шахсга айлантиради. У баҳодирнинг жангда енгиб чиқиши учун унга қилич ясашга киришиб кетганлиги шеърнинг лирик қаҳрамони орқали билдириб ўтилади. Бу орқали шоир инсон қалбидаги эзгу тилаклар хоҳишлар уни буюкликка етаклашини айтиб ўтмоқчи бўлади.

Шоирнинг “Оқ ва қора” шеъри фалсафий мазмунни ўзида мужассам қилганлиги билан ажралиб туради. Яъни дунёнинг “ин ва ян” ёки “оқ ва қора” шаклдаги дунёнинг эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураши рамзига ишора бу шеърнинг моҳиятини ташкил этади. Шеърнинг лирик қаҳрамони ўз ҳаётидаги қрама-қаршиликларни бирин-кетин тасвирлаш орқали ҳаётнинг қанчали мураккаб жараён эканлигига ишора қилади. Лирик қаҳрамон биринчи оқ булоқни излайди, лекин қора булоққа дуч келади, бу ердаги булоқлар ҳаёт орзу қилинган ҳаёт ва унга етгунча боси ўтилган машаққатлар, зиддиятлар рамзи сифатида акс эттирилган. Ундан кейинги оқ дарё ҳам худди шу каби маъно учун хизмат қилган. Шеърнинг учинчи бандидаги тоғлар поэтик образи юса юксак марралар маъносидаги тимсол бўлиб, инсон юксак марраларга етгунча бундан-да баланд қийинчиликларга дуч келиши бу банднинг асосий мазмунинин ташкил этади. “Шеърга синов учун берилган қисқагина ҳаётни ҳар бир инсон ўз савияси, дунёқараши, табиати даражасида эзгулик билан кечириши, қўлидан келганча, шодлик билан, чиройли ва тотли яшаб ўтказиши керак ва бу ҳар бир одамнинг ўзига боғлиқ деган жуда чуқур маъно сингдирилган”¹. Ҳақиқатан ҳам инсоннинг ўз хоҳиши ва иродаси унинг дунёнинг эзгулик ёки ёвузлик тарафида ҳаракатланиши белгилайди. Ушбу шеърнинг қаҳрамони эса эзгулик томонида бўлишни хоҳлаши мазмундан сезилиб турибди.

Оқ ва қора дунёни

Чаппор уриб айлангум,

¹Қозоқбой Йўлдош. Йўл одами. –Т., “Muharrir” nashriyoti, 2011, 26-бет

Оқ шомлар тугаб, дўстлар,
Қора шомлар кучгунча...¹

Шеърни якунлаган ушбу банддаги қора дунё тушунчаси аслида қаҳрамон яшаётган муҳит, жамият, ҳаётнинг рамзи. Қора шом эса қаҳрамон ҳаётининг якуни, яъни, ўлими маъносида келган. Яъни у ҳаётида тақдирига нимаки ёзилган бўлса, уни то қазоси етгунича яшаб ўтишга мажбур эканлигини айтмоқчи бўлади.

Азим Суюннинг “Туткун” шеъри ўзига хос мазмунга эга шеърлардан бўлиб, унда душман қўлига асирга тушган туткун аскарнинг ҳолати, кечинмалари акс эттирилган. Шеърда қаҳрамонга душман-ғанимлар унинг онаси энди йўқлигини айтишади. Бу билан унинг мағрур қаддини эгиб, бўйсунмас иродасини синдирмоқчи бўлишади. Лекин мағрур йигитнинг кўзидан ёш чиқмайди. Иккинчи бандда ғанимлар энди унинг ёридан айрилганлигини айтиш орқали қаддини букмоқчи бўлишади. Лекин бу ҳам қаҳрамонга таъсир қилмайди, унинг иродасини бука олмайди. Лекин охириги хабар унинг кўзида ёш қалқишига сабаб бўлади:

Қасоскор хабарлар билмас ҳад,
Ватандан айрилдинг, дедилар
Ва унинг кўзида сўнгги дард –
Қатра ёш кўрмоқчи эдилар,
Қатра ёш...

Бир қалқди... Жон эди ўша ёш!²

Бу хабар унинг Ватанидан жудо бўлганлиги ҳақида бўлади. Йигитнинг кўзидаги ёш унинг жони билан бирга чиқади. Яъни, бу машъум хабарни эшитган йигитнинг юраги бунга дош бера олмайди. У ҳалок бўлади. “Демак, туткун йигит учун Ватан энг қимматли қадрият, энг қудратли таянч эди. Ундан айрилиш, уни йўқотиш ўлим билан, жон бериш билан баравар эди.

¹Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, – Тошкент, 1997, 327-бет.

²Ўша китоб, 57-бет.

Ватанга муҳаббат ҳақидаги бу шеър шеърхонда юксак туйғулар уйғотиб, ўқирман кўнглини тозартади”¹. Ўзига хос сюжетга эга бўлган ушбу шеърнинг ҳам қаҳрамони ўз Ватани учун жон фидо қилувчи юрт ўғлони эканлиги Азим Суюннинг ушбу мавзудаги шеърларидаги етакчи образнинг ким эканлигини кўрсатади.

Шоирнинг “Овчи ўлими” шеъри юқоридаги инсон ғурури мавзусини мантиқан давом эттирган. Ушбу шеър ҳам сюжетли бўлиб, бир бахши томонидан ҳикоя қилиб берилади. Яъни, шеърнинг лирик қаҳрамони ва шеърда тасвирланган, асосий образ бўлган бола ҳам айнан ана шу бахшининг ўзи. Шеърда ҳаёти давомида жуда кўп ҳайвонларнинг жон беришини кўрган овчининг ўлими акс эттирилган. У ўлими олдидан унинг олдида ўтирган болага ҳамма ҳайвонлар ҳам ўлими олдидан титрашини, лекин бургутгина ўз ўлими муқаррарлигини сезиб қолса, ўзини ўзи қояларга уриб ҳалок бўлишини айтиб ўтади. Қодир овчи ўша бургут каби ўлим топишни орзу қилади. Шеър давомида болани алдаб ташқарига чиқариб юборган овчи ўзини ўзи отиб ўлдиради. Шеър бургутнинг ўлими тасвирини яна бир бор такрорлаш орқали якунланади.

Сўнгги дамин сезса у,
 Қояга урар ўзин.
 Унинг олов патлари
 Ҳавода кетар тўзиб,
 О, улар тушмас ерга,
 Ерда нима – бойланиб?!
 Шу захот учар кўкка
 Бургутларга айланиб...²

Шеърда бургутга хос бўлган жиҳат, яъни ўз ўлимини мағрур қабул қилиши хусусияти овчида ҳам мавжудлиги, у ҳам у каби ўз ўлимини

¹Қозоқбой Йўлдош. Йўл одами. –Т., “Muharrir” nashriyoti, 2011, 26-бет

²Азим Суюн. Жавзо. –Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987 й., 99-бет.

титрамасдан қабул қилишни маъқул кўрганлиги акс эттирилган. “Шоир шеърхонни шу тарзда юксакликка ундайди. Унда баланд маънавий сифатлар шаклланишига имдод беради. Ифоданинг беқиёс жозибаси шеърни ўқирман хотирасига михлаб қўяди”¹. Ҳақиқатан ҳам, шеърнинг лирик қаҳрамони шеърхонни юксак туйғуларни қадрлашга ундайди.

“Азим Суюн шеърлари миллат аҳлида улусни улуғлайдиган маънавий сифатларни шакллантиришда ўзининг ўхшашсиз ўрнига эга бўлган поэзиядир”². Дарҳақиқат, шоирнинг юқоридаги каби шеърлари халқнинг маънавиятини шакллантирилишида муҳим воситаси вазифасини ўташи юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибди.

Азим Суюннинг “Оналар” номли шеъри ҳам мавжуд бўлиб, ушбу шеърида онадек буюк зотнинг, айниқса ўзбек онасининг ўзига хос тимсоли акс эттирилган.

Оқ сочларин жимгина тараб,
Кўзлари тўрт кутар оналар.
Бизнинг кетган йўлларга қараб,
Қўл силкитиб ўтар оналар...³

Онанинг хокисор қиёфаси ушбу шеърда асосий мазмунни ташкил қилади. Шоирнинг ижтимоий лирикаси билан бир қаторда унинг пейзаж лирика намуналари бўлган шеърлари ҳам анчагина. Бу мавзудаги шеърларида шоир ўзи туғилиб ўсган макон – Самарқанднинг ўзига хос жиҳатларини очиб беришга эришади. Хусусан, тоғ ҳаёти, қишлоқнинг ўзига хос тасвири, жону жониворлар, ўсимликлар бу мавзудаги шеърларда асосий поэтик образлар вазифасини бажарган. Пейзаж лирика намуналари бўлган шеърлар сирасига шоирнинг “Тоғда”, “Куз”, “Олқорлар”, “Қари қашқир”, “Тун”, “Тунги булутлар томошаси” каби кўплаб шеърларни киритиш мумкин.

¹Қозоқбой Йўлдош. Йўл одами. –Т., “Muharrir” nashriyoti, 2011, 30-бет.

²Ўша китоб, 31-бет.

³Азим Суюн. Ўзлик. –Т., Шарқ, 1999 й., 432-бет.

Хусусан, “Тоғда” шеърида шоиртоғда тонг отиши манзарасини ажойиб пейзаж тасвир ва ўзига хос ташбеҳлар орқали акс эттирган.

Кўринмас оловдан эриб борар тун,
Бургутлар қояда потирлашмоқда.
Она қорнидаги гўдакдай беун,
Туман ғимирламоқда¹.

Бу бандда лирик қаҳрамон бўлган шоир “кўринмас олов” дея қуёшнинг илк нурларини атамоқда. Ана шу нурга дош беролмаган тун эса эримоқда, тўғрироғи, ўз-ўзидан хиралашиб, ёришиб йўқ бўлиб бормоқда. Кейинги мисраларда шоир ўхшатиш ва жонлантириш санъатидан унумли фойдаланган. Яъни, туман она қорнидаги ҳали туғилмаган гўдакка ўхшатиш ва ғимирлаётгандек тасвирланган.

Кейинги бандда уйқу поэтик образи қудратли паҳлавон дея таърифланган. У юлдузларнинг кўзларида ўз аксини топган, яъни уларни енга бошлаган. Туман бу сафар “қўрадан чиқишган сурувдек, вазмин” дея тавсифланган.

Кумуш чўққилардан оҳиста ошиб,
Қуёш сим-сим қўшиқ куйлаб келмоқда.
Осмон қозонида сут каби тошиб,
Туман тарқалиб кетди...²

Охирги бандда сифатлаш, жонлантириш ва ўхшатиш, истиора санъатларидан унумли фойдаланилган. “Кумуш чўққи”, “сим-сим қўшиқ” – сифатлаш, қуёшнинг қўшиқ куйлаб келиши жонлантириш, “сут каби” жумласи ўхшатиш, “осмон қозони” жумласи истиора санъатларига мисол бўлади. Бу бандда туман осмон қозонида сут каби тошиб, ҳар тарфга сочилиб тарқаб кетмоқда. Яъни парланиб, йўқ бўлиб бормоқда. Кўринадики, шоир ушбу

¹Азим Суюн. Куйганим – суйганим. –Т., Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991. 120-бет.

²Ўша китоб, 120-бет.

шеърда бир қанча поэтик образларни гавдалантирган. Етакчи образ эса, албатта, туман образи.

Шоирнинг “Куз” шеъри ҳам пейзаж лириканинг ўзига хос намуналаридан саналади. Ҳар бир банди саккиз мисрадан иборат бўлган ўн саккиз банддан иборат йирик шеърлардан биридир. Ушбу шеърда ҳам туман поэтик образини учратиш мумкин:

Салқин тушиб қолди тоғлар бағрига,
Вазмин кўтарилар дарадан туман¹.

Бу ўриндаги туман вазмин ҳолатда тавирланган. Шеърнинг ўн тўртинчи банди соф пейзаж тасвири орқали ифодаланган бўлиб унда куздаги тоғ тасвири яққолроқ намоён бўлган.

Ҳаво айнаиб турар тоғларда тез-тез,
Гоҳо у бадқовоқ, гоҳ ўйга чўмар.
Гоҳо булут тошиб келар ва шу кез
Кўнғир тоғ ўрмонин ёмғирга кўмар.
Тагин кўп ўтмайин сертўлқин осмон
Оқариб ёришар – ним боқар офтоб.
Хуш ислар димоққа урилар шитоб,
Бу исларга тўйиб бўлмас ҳеч қачон.²

Бу ўринда ҳаво, булут, тоғ, офтоб каби табиат образлари жонлантириш ва ташбеҳдан фойдаланиб тасвирланган. Ҳавонинг бадқовоқ ёки ўйчан эканлиги, булутнинг тошиб келиб, ўрмонни ёмғирга кўмиши, сертўлқин осмон эса баъзан ёришиши, офтоб эса булутлар орасидан ним боқиб туриши ушбу образларнинг манзара ҳосил қилишдаги ўрнини тасаввур қилишда ёрдам беради. Шеърнинг кейинги бандларида булоқларнинг лаби қорайиб бораётганлиги, яъни булутларнинг сояси сувга тушаётганлиги тасвирланади. Бунда алқор номли тоғ кийигига ўхшаш ҳайвон образи ҳам келтирилади.

¹Азим Суюн. Куйганим – суйганим. –Т., Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991. 122-бет.

²Ўша китоб, 126-бет.

Улар қуюқ булутларга қараб куз фасли иссиқ ҳавони ваъда қилмаслигини тушуниб олишади. Шеърда яна бир ўзига хос образ, яъни “арчазор” образи келтирилади. У ҳеч нарсага парво қилмайди, у ҳамиша яшилликка бурканган, унда фақат баҳоргина мужассам эканлиги ташқи кўринишидан сезилиб туради.

Ёйилиб етгандир чўққигача то –
 Қақшаган тошларни чиқишган ёриб.
 Ҳатто бу тоғларнинг совуғи, қори,
 Яшил либосидан қилолмас жудо¹.

Арчанинг доимий яшил либосидан қишнинг изғиринлари ҳам жудо этолмаслиги каби ҳаёт ҳақиқати ушбу мисраларда акс эттирилган.

“Тун” шеъри яна бир пейзаж лирика намунаси ҳисобланади. Ушбу шеър туннинг одатдагича кириб келиши тасвири билан бошланади. Бу шеърда тун мавжудотларидан бири бўлган кўршапалакнинг қуёшни тўйгунича сўкиши, қоаунхўр жайра тумшуғини қашлаши, сурма қош танноздай судралаётган илон, ўкираётган қоплон, овини бурдалаётган йўлбарс, сурувни қийратаётган қашқир каби ўзига хос салбий тасвирлар кетма-кетлиги жойлаштирилган. Яъни, бу ўриндаги тун салбий образ – ёмон воқеликларга кон бўлган макон маъносида қўлланилган. Шеър ниҳоясида лирик қаҳрамон тунга мурожаат қилиб, уни ўзига келтиришга ҳаракат қилади:

Ҳей, тун,
 сен
 чўпонни,
 чўпонни,

 уйғот!
 Уйғот!..

 Дод,

¹Азим Суюн. Куйганим – суйганим. –Т., Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991. 126-бет.

Даҳшат!!!

Тун кар

кўр!

Куёш,

юзларингни бур!!!¹

Шеър эркин вазнда ёзилган, бу бандда шоир тундан чўпонни уйғотишни сўраши орқали унга тирик мавжудотга мурожаат қилган каби сўзлайди. Куёшга эса тезроқ юзини улар тарафга буришини ўтиниш орқали ушбу даҳшатли воқеаларнинг тезроқ тўхташини хоҳлайди.

Яна бир “Ой – олқор шохидай қайрилган” деб бошланувчи шеър ҳам табиат лирикаси намунаси ҳисобланади. Унда шоир ойни олқорнинг қайрилган шохига, тош ўчоқдаги оловга, шамолда қолган бир парча яловга ўхшатади. Тун ҳақида юқоридаги шеърдаги каби фикрлар келтирилади, яъни у ваҳмли, тоғ ҳам худди шундай сифатга эгалиги таъкидланади.

Тун ваҳмли. Тоғ ваҳимали,

Қадим кўрғон – кўрғошин кўрғон.

Бунда не бор – ҳаммаси сирли,

Ҳатто сирли шиғиллар қумғон.

Ушбу шеърда поэтик образларнинг ўзига хос кўриниши бўлган “кечинма образ”га мисолни кўриш мумкин. Бу – қайғу образи бўлиб, унинг тавсифи кейинги бандда берилган:

Ўлтирибди ҚАЙҒУ танҳо, жим,

Кўзларида шуълалар акси.

Бу тоғларга уни қувган ким,

Қай бахтлининг ул қувғиндиси?²

Демак, табиатдаги салбий тасвирларнингсабабчиси айнан мана шу қайғу бўлиб, унинг тоғларда жимгина ўтириши уларнинг ҳам салбий маъно

¹Азим Суюн. Куйганим – суйганим. –Т., Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991. 77-бет.

²Азим Суюн. Куйганим – суйганим. –Т., Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991. 71-бет.

ифодалашига сабаб бўлмоқда. Бундай тасвирлар унинг ёнгинасидан ўтган тун қуши, увлаётган бўри, сайраётган укки кабилар орқали ифодаланган. Кейинги байтларда қайғу қўлидаги ханжари юлдуз санайдиган даражада зўр, аждар мисол арғумоғи ҳам бор бўлган жасур мавжудот этиб тасвирланади.

Бу тонг отсин... ҚАЙҒУ учади,
Учар, учар – чекинар узлат.
... Деразасин қатъий чертади,
Келдим, дейди, Мен – ШОДЛИК,
МЕН – БАХТ!¹

Шеър ниҳоясидаги бу мисралардан тонг отгач узлатга чекинган қайғу чекиниши, унинг ўрнини бахт ва шодлик эгаллаши тасвирланиши орқали тонгнинг ижобий мазмун учун келтирилишини яна бир бор исботлайди.

Шоирнинг “Япроқда” деб номланган шеърида япроқнинг ўзига хос тавсифи акс этирилган:

Япроқда осмоннинг кўз ёши –
Изтироб, алами, ғазаби.
Япроқда осмоннинг қуёши –
Табассум, кулгуси ва нози².

Яъни, япроқда осмоннинг кўз ёши бўлган ёмғир томчиси борлиги, унга унинг изтироби, алами ёки ғазаби жойлаштирилганшигини кўрсатса, унда қуёш нурининг жилваланиши, яъни томчидаги қуёшнинг акси осмоннинг табассуми, кулгуси ва нозини ифодалашини билдириши ўзига хос поэтик мушоҳадакорлик, поэтик топилма десак муболаға бўлмайди.

Шоирнинг “Саҳрода” номли шеърида саҳронинг тавсифи акс эттирилган.

Тун босиб келарди... данғиллама йўл,
Мен ундан қочардим – бошим омон бўл!

¹Ўша китоб, 73-бет.

²Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, – Тошкент, 1997, 12-бет.

Баҳайбат ўргимчак тўри сингари

Тўрт ёнимдан аммо чирмаб олди ул¹.

Бундаги “данғиллама йўл” ҳам, “баҳайбат ўргимчак тўри сингари” чирмаб олаётган мавжудот ҳам саҳролиги унинг мазмунидан англашилади.

Азим Суюннинг пейзаж лирика намунаси бўлган яна бир шеъри “Бир туп арча” деб номланади. Ушбу шеърга “Усмон Носирга” деган изох берилганлигидан бундаги арча тимсоли ушбу хассос қалбли шоирнинг рамзи эканлигини англаш мумкин. яъни ушбу шеърда соф пейзаж намунаси бўлмасдан, балки унинг инсон тимсоли билан уйғун ҳолатда берилган шакли дейиш мумкин. Унга кўра шеър қояларнинг қоқ ўртасида, сур булутлар рўпарасида, яшил кўшиқлар куйлаб, аёзларнинг захрин сочдириб, довулларнинг қаҳрини келтириб бир арча яшаганлиги ҳақидаги ҳикоят билан бошланади. Лекин ушбу арчани ваҳший, оч чақмоқ уни чок-чок этиб ёндириб кул қилганлиги ҳақида сўзланади.

Ўз ишидан чақмоқ шод эди,

Булут қаҳ-қаҳ урди беармон...

Лекин тийрак неварасига

Ўтинчи чол уқтирарди гап:

- Ҳу, қоянинг қоқ ўртасида

Яшаб ўтди бир туп арча зап!²

Яъни, келажак авлод арчани йўқ қилган чақмоқ каби жоҳил кимсаларни эмас, балки дунёларни куйлаб ўтган соф қалбли, эзгу ниятли арчаларни эслаб юражаги, хотирасида абадий сақлашини айтиш орқали шоир Усмон Носир каби мангуликка дахлдор хассос қалб эгаларининг ижод намуналари бардавом эканлигига ишора қиомокда.

Шоирнинг яна бир шеъри тоғларга чексиз муҳаббатнинг рамзи сифатида шаклланган. У “Бу дунёнинг жаннати – тоғлар” деб номланади”.

¹Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, – Тошкент, 1997, 15-бет.

²Ўша китоб, 159-бет.

Гиёҳ битмас тоши-да гўзал,
 Кўз ёш сўрар митти қиёғи.
 Рангларининг олдида ўсал
 Мусаввирнинг хил-хил бўёғи.
 Ҳаво эмас, оҳу сути бу,
 Симираман – дардимга даво.
 Зирқиратиб юракни, “оҳ, у...” –
 Каклик сайрар – туманлар аро¹.

Шеърнинг лирик қаҳрамони бўлган шоир тоғнинг жилғаларидан олқордай сакрайди, қояларга тирмашади, тошдан-тошга хаккалаб сакраган тоғ париларига ўхшаш тоштўрғайларни кўради ва ўзининг барча ғам-андуҳларини унутади.

Унутамаман нимадир андуҳ,
 Ҳайқираман, йиғлаб-куламан.
 Адо қилар девона бир руҳ,
 Бир кун ўлсам... тоғда ўламан².

Шоирнинг бир куни елиб тоғда ўламан деган жумлаларидан у бу масканни ҳақиқий жаннат эканлигини исботлашга бўлган истаги дея қабул қилиш зарур. Яъни, лирик қаҳрамон тоғда – жаннат масканда ўлишни, шу жойга дохил бўлишни истади.

Шоирнинг табиат лирикаси намуналари орасида баҳор фаслига бағишлаб ёзилган қасидалар ҳам мавжуд. Улардан бири “Баҳор” деб номланади. Унда ушбу уйғониш фасли кўплаб ўзига хос жиҳатлари ва фазилатларига кўра тавсифланади.

Гиёҳлар, куртаклар очмоқда жамол,
 Олам тўлиб борар яшил навога.
 Ёнингга елурман шу баҳор мисол,

¹Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, – Тошкент, 1997, 187-бет.

²Ўша китоб, 187-бет.

Мен бу дам сиғмасман қутлуғ дунёга!¹

Шеърнинг лирик қаҳрамони бўлган ошиқ уйғониш фаслида оловланган муҳаббати билан маъшуканинг қошига елдек шошади. Шоирнинг яна бир шеъри шу ном билан аталади. Унда шоир майсаларнинг тилида жилмайган ҳолда кириб келаётган Наврўз ҳақида ҳам эслаб ўтиш орқали анъанавий ташбеҳлардан ҳам фойдаланган. Шеър ниҳоясида:

Бўғзимдаги дардларим
Шодликларга дўнади,
Ялпиз исли шахдларим
Майсаларда тинади².

дейиш орқали шоир ўз ҳиссиётларин шеър орқали баён қилиб, баҳорни мадҳ этиб акс эттириш унинг шахдларининг жиловланиши бўлишини яна бир бор таъкидламоқда.

Шоирнинг “Оппоқ булут ҳақида кўшиқ”, “Бир мовий ҳаво”, “Адирларни оралаб”, “Сокин дарё” каби кўплаб табиат ва инсон ҳиссиётлари аралаш ҳолда тасвирланган шеърлари мавжуд. Уларнинг ҳар бирида лирик қаҳрамон ҳиссиётлари ва кечинмалари бирор бир табиат унсуридан таъсирланган ҳолда ўзига хос тарзда ўхшаш белгиларига мос тарзда тавсифланади.

Азим Суюн шеърлятида табиат лирикаси намуналарининг ўзига хослиги унда тоғларнинг, тоғдаги ҳайвон ва ўсимликларнинг тасвири биринчи планга чиқарилганлигида кўринади. Юқоридаги шеърлар таҳлилидан буни сезиш мумкин.

Шоир ўзининг “Эй дўст!” деб номланган қайирма шаклидаги шеърда табиат ва дунё ҳақидаги ўзига хос фалсафий мушоҳадасини акс эттирган:

Эй дўст!
Одам Атони, Тангрим, одам яратди,

¹Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, – Тошкент, 1997, 203-бет.

²www.kh-davron.uz/.../azim-suyun-65-yoshda.htm

Момо Ҳавони унга ҳамдам яратди.

О, аслида аклу куч эгасига

Илоҳий муҳаббату илҳом яратди¹.

Яъни, лирик қаҳрамон табиат яратикларининг энг мукаммали бўлган инсон учун илоҳий туйғу бўлган муҳаббат ҳам инъом этилганлигини яна бир бор эслатиб ўтмоқда.

Хуллас, шоир шеърларида поэтик тимсоллар турфа хил бўлиб, улар шеърнинг мавзуси ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган.

“Шоир шеъриятида поэтик образларнинг қўлланилиши» номли иккинчи боб юзасидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- 1) Ижтимоий лирика намуналарида кечинма ифодаси ўзига хос тарзда бўлиб, уларда илгари сурилган ғоялар асосан, инсониятнинг кўп асрлик муаммолари бўлган, инсон маънавияти, эрки, қадриятлар, зиддиятлар кабилардан иборат.
- 2) Шеърларнинг поэтик образлари ҳам унинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда табиат унсурлари, инсонлар ва баъзан мавҳум тушунчалар ҳам бўлиши мумкин
- 3) Азим Суюн шеъриятидаги ўзига хос услуб шеърнинг поэтик образларини яратишда романтикага – идеал даражадаги муносабатларга умид билдиришида кўринади.

Умуман олганда, шоир шеърларининг асосий потик образлари ўз юртининг инсонлари, жону жониворлари, ўсимлик ва гиёҳлари, шунингдек, рамзий маънода келувчи тушунчалар ҳам бўлиши мумкин.

¹www.kh-davron.uz/.../azim-suyun-65-yoshda.htm

ХУЛОСА

Замонавий ўзбек шеърятининг кўзга кўринган шоири Азим Суюн ўига хос лирикаси билан шуҳрат қозонган ижодкорлардан. Ҳаёт учун кураш деган иборанинг мазмунини шоир ва журналист Азим Суюннинг бугунгача босиб ўтган умр йўлини бир бутун ҳолда кўз ўнгида гавдалантирганда, чуқур тушуниш мумкин. Ҳаёт учун кураш оддий бир нарса эмас. Азим Суюн фикр

тинглашга ташналиги билан келажак авлоднинг садосига ўз жарангдор наърасини кўшган. Азим Суюн саксонинчи йиллар бошида энди ўзини, ўз юртини, ўз тоғларини, ўз юртдошлари ва уларнинг орзуларини тўла очган эди. Унинг шеърларига, асарларига, сал кейинроқ, публицистикасига Нурота тоғларининг шукуҳлари бутун колорити билан кириб келди.

У Нурота оҳангларини топди. Азим Суюннинг барча шеърларини ўқинг: ҳаммасида Нурота зарблари, Нурота сойларининг мангу овозлари, бургутларнинг мунгли қийқириқларини эшитасиз. У ҳамиша кўринмай қолганида қаерда эдингиз деган саволга:

— Тоғларда эдим. Чўққиларга чиқиб кетдим. Чўққиларга чиқиб турмасам, яшолмайман!-деб ҳикоя қилиб беради.

— Чўққиларнинг хатарини севасизми ё ҳавосини? — деб сўрашади.

— Чўққилардан узоқларга боқишни яхши кўраман. Олам фақат чўққилардан бунчалар кенг ва яхлит кўринади,- дейди Азим Суюн¹.

Бу гап шоирга ярашади. ...У чўққиларсиз туролмайди. Олам манзараларидан бир бутун холда такрорланмас тархлари, рангларининг ажиб издиҳомларидан завқланади. Балки у чўққиларда кураш завқини туяр. Толиққанда, сусайганда, яна шу завқларни янгиламоқ учун чўққиларга боради. Нуротами, Туркистонми, Чотқолми, Боботоғми, Хисорми, Зарафшонми, Олойми, Шоҳимардонми – чўққиларни пиёда кезади. Ҳиссиётларининг залворини синайди чўққиларда: юрт истиқболини кўришни иштайди чўққилардан. Азим Суюннинг барча ёзганлари бу – яшаш учун курашнинг илҳомлари. Азим Суюннинг бадиий ижоди ҳам ҳаёт уфқлари қанчалар кенгайиб ранг-баранг бўлиб, мустақил ва озод Ватаннинг собит зарбларига тўла ҳамоҳанг бўлиб, уни қутлаб, алқаб, суюб, эркалаб дунёга келаётгани аён!

1. <http://ijod.uz/?p=10121>

«Озодлик Азим Суюн ва у мансуб авлоднинг ҳаёт ва орзу уфқларини беҳад кенгайтди. Уларга янги рух, янги нафас бахш этди. Улар миллий мустақилликни орзу қилган, унга эришган, унга бутун инсоний, фарзандлик муҳаббатини берган авлод! Азим Суюн шу авлод сафида собит матонат билан бораётир. Унинг сўзи Истиқлол ишига, миллий равнақимиз манфаатларига жон-дил билан хизмат қияпти»¹.

Азим Суюннинг шеърларида истиқлол ва унинг фаровон уфқлари гавдаланади.

Ижодкоршеърёзарёкан, ўзкечинмасинитурлиусуллардатасвирлайди. Шу сабабли ҳам шоирларнинг кўпчилиги шеърда ифодаланаётган лирик кечинма ифодаловчиларининг ранг-баранглигига олиб келади.

Укўплаб поэтик образлар қаторида тун, тоғ, осмон, куёш, куз, баҳор каби табиат унсурларидан, олқорлар, йўлбарслар, бўри, шоқол, бургут каби ҳайвон ёки қушлардан, ғам, шодлик ёки бахт каби кечинма тимсоллардан, шунингдек, турли тоифали инсонлар образларидан унумли фойдаланган. Шоир шеъриятида ўзига хос пейзаж тасвирлари кўплаб учрайди. Булар орқали лирик қаҳрамоннинг изтироблари, ҳис-туйғулари, кечинмлари ифодаланади. Унинг шеъриятида пейзажнинг кечинма ифодаланиши кўпроқ кузатилади.

Ушбу битирув малакавий ишининг 1-боби “Азим Суюн шеъриятида шоир бадий маҳорати ва лирик қаҳрамон масаласи” деб номланган бўлиб, ушбу бобда шоирнинг Ватан ва миллат тақдири акс этган шеърлари ҳамда анъанавий муҳаббат мавзусидаги шеърлари таҳлил қилинган. Улар юзасидан қуйидаги хулосаларга келинган:

- Азим Суюннинг Ватан мавзусидаги шеърларининг лирик қаҳрамоникўпинча шоирнинг ўзи бўлиб, у орқали ватанпарвар кишининг юртга бўлган самимий муҳаббати акс эттирилади.

¹ <http://kh-davron.uz/yangiliklar/azim-suyun-sherlar-ibrohim-gafurov-jim-jim-bulut-ichidan-chaqin.html>

- Шоир шеърларида бадиий маҳорат ундаги қўлланилган бадиий тасвир воситалари ва поэтик мушоҳадакорлик билан боғлиқ бўлиб, Азим Суюн шеърларида улардан унумли фойдаланган, айниқса, бадиий кўчимлар, ташбеҳ, талмеҳ, истиора ёки бошқа бадиий санъатлар ўринли қўлланилган.
- Азим Суюннинг муҳаббат мавзусидаги шеърларининг лирик қаҳрамони бўлган ошиқ кечинмалари миллий руҳда, инсон қалбининг нозик туйғуларини идрок эта олганлик даражасида, ўринли ва янгича истиора ҳамда ташбеҳлардан фойдаланган ҳолда ифодаланган.

Битирув малакавий ишининг 2-боби “Шоир шеърлятида поэтик образларнинг қўлланилиши» деб номланган. Ушбу боб юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди:

- Ижтимоий лирика намуналарида кечинма ифодаси ўзига хос тарзда бўлиб, уларда илгари сурилган ғоялар асосан, инсониятнинг кўп асрлик муаммолари бўлган, инсон маънавияти, эрки, қадриятлар, зиддиятлар кабилардан иборат. Уларда қўлланилган поэтик образлар ҳам шу ғоялар тарғиби учун ўринли қўлланилган.
- Шеърларнинг поэтик образлари ҳам унинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган, улар табиат унсурлари, инсонлар ва баъзан мавҳум тушунчалар эканлиги таҳлиллар орқали аниқланди.
- Азим Суюн шеърлятидаги ўзига хос услуб шеърнинг поэтик образларини яратишда романтикага — идеал даражадаги муносабатларга умид қилишида кўринади.
- Умуман олганда, шоир шеърларининг асосий потик образлари ўз юртининг инсонлари, жону жониворлари, ўсимлик ва гиёҳлари, шунингдек, рамзий маънода келувчи тушунчалар ҳам бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганимизда, Азим Суюн шеърляти ўзига хос шеърлят бўлиб, ундаги образлилик танланган мавзулар қамрови билан боғлиқ ҳолда турли хил шаклда шакллантирилган. “Азим Суюн шеърлятининг қамрови – кенг. Унинг лирикасида интим шахсийлик даъваткор ижтимоийлик билан, содда ҳайрат донишмандларча ҳикмат билан бирга кела олади”¹. Ушбу шеърлят ўзига хос поэтик образларининг, хусусан, тоғ ҳаёти билан боғлиқ кўплаб образларнинг қўлланилганлиги билан, самимий ва равонлиги билан ажралиб туради. Ундаги такрорланмас бадиият шоирнинг муваффақиятини таъминлаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., «Ўзбекистон», 2008.
2. Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, – Тошкент, 1997, – 412 б.
3. Азим Суюн. Куйганим – суйганим. –Т., Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991. – 304 б.

¹Қозокбой Йўлдош. Йўл одами. –Т., “Muharrir” nashriyoti, 2011, 29-бет.

4. Азим Суюн. Хаёлот. –Т., Гафур Гулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991. – 87 б.
5. Азим Суюн. Жавзо. –Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987 й.,–176 б.
6. Азим Суюн. Ўзлик. –Т., Шарқ, 1999 й., – 448 б.
7. Аристотел. Поетика. – Т.,1980. – 151 б.
8. Белинский В.Г. Адабий орзулар. – Т.,1979. – 262 б
9. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Т., Ўзбекистон, 2002. – 559 б.
- 10.Гегел В.Ф. Естетика. – М.,1971. – 621 с.
- 11.Жамоа. Адабиёт назарияси. 2 томлик. 1-том. – Т.,Фан.1978. – 422 б.
- 12.Иззат Султон. Адабиёт назарияси –Т., Ўқитувчи, 1986, –407 б.
- 13.Форобий Абу Наср. Шеърый санъатлар. – Т .,1977. – 107 б.
- 14.ШарафиддиновО. Ҳаётбиланҳамнафас. – Т., Ёшгвардия, 1983. – 216 б.
- 15.Йўлдошев Қ. Ёник сўз. -Т., Янги аср авлоди, 2006, –544 б.
- 16.Қозоқбой Йўлдош. Йўл одами. –Т., “Muharrir” nashriyoti, 2011, – 144 б.
- 17.Каримов Н. ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. –Т., Ўқитувчи, 1999, - 544 б.
- 18.Мирҳайдаров Х., МирҳайдароваН. Бармоқтизимитаълими. –Т., 2010. – 67 б.
- 19.Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти, -Т., Янги аср авлоди, 2005, – 419 б.
- 20.Норматов У. Етуклик. –Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 й, -368 б.
- 21.НорматовУ. Ижодсехри. – Т., Шарқ, 2007. – 255 б.
- 22.Умиров У. Адабиёт назарияси.–Т., Шарқ, 2002, –254 б.
- 23.Тўраев Дамин. Янги ўзбек адабиёти. – Тошкент. Фан, 2008. – Б. 178.
- 24.Шукуров Н. ва бошқалар. Адабиётшуносликка кириш. –Т., Ўқитувчи, 1979, –230 б.
- 25.Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. -Т., ЎАЖБНТ, 2003. -361 б.

26. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. -Т., Ўқитувчи, 1979,
27. www.e-adabiyot.uz.
28. www.ziyouz.uz.
29. www.literature.uz.pg.8.
30. www.kitob.uz.
31. www.kh-davron.uz/.../azim-suyun-65-yoshda.htm
32. <http://3quduq7.zn.uz/maqolalar/azim-suyun/>
33. <http://ijod.uz/?p=10121>
34. https://uz.wikipedia.org/wiki/Suyun,_Azim

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
-------------	---

I БОБ. АЗИМ СУЮН ШЕЪРИЯТИДА БАДИИЙ МАҲОРАТ ВА ЛИРИК ҚАҲРАМОН МАСАЛАСИ.....	6
II БОБ. ШОИР ШЕЪРИЯТИДА ПОЭТИК ОБРАЗЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ	22
ХУЛОСА.....	45
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	49